БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 107 (11.856) | Чоршанба, 10 май, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙИЧА ДАВЛАТГА 14660 ТОННА ПИЛЛА БЕРАМИЗ!

ОЛИЯХОН СУЛТОНОВА МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИ

ФАРҒОНА. Ленинград районидаги «Сталинобод» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сталин мукофотининг лауреати Олияхон Султонова бошлиқ пиллачилик звеноси 9 май куни ўз зиммасига олган мажбуриятини бажарди. Уч қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 121 килограммдан аъло сифатли пилла топширди.

Ортоқ Султонова яна 10 килограммдан пилла топшириш мажбуриятини олди.

МИРИШКОР ПИЛЛАЧИЛАР

Муяссар опа Акбаровани колхоз пиллачилари тиниб-тинчимас аёл дейишади. Ҳақиқатан ҳам у қурт боқиш бошлангандан то пиллани йиғиштириб олгунча кечалари ҳам тинмайди, қуртларга барг солади, ҳароратни текшириб туради. У ўзининг бой тажрибасини қурт боқиш агротехникаси билан маҳкам боғлаган ҳолда ишлайди.

Муяссар опа 20 йил давомида қурт тутади. У, бу давр ичида тонна-тонналаб пилла етиштириб, давлатга топширди. У маслаҳат сўраб келган пиллачиларга:

— Зерикмаган одам қурт тутади. Унга қанча кўп барг едирсанг, пилла шунча салмоқдор, ипак сифатли бўлади, — дейди.

Бу тўғри гап. Муяссар опанинг ҳовлисига қачон кирманг, озода ва сув сепилиб, салқинлатилган йўлакда барг устига нам шолча ёпиб қўйилганини кўрасиз. Шунинг учун ҳам унинг «хўра» қуртлари йирик пилла ўрайди, натижада ҳар йили ҳар қути уруғдан 100 килограммдан ошириб пилла ҳосили олади.

Бу йил моҳир пиллачи уч қути қурт боқяпти. Яхши парвариш қилинган қуртлар ҳозир дастага кирди.

Муяссар опа бу сафар анча баландни кўзлаяпти. У ҳар қутидан 130 килограммдан пилла йиғиб олмоқчи.

Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозда Муяссар опа сингари пиллачиликнинг моҳир усталари йилдан-йилга кўпайиб боряпти.

«Ипакчи Лола» номини олган Лола Эшимбоева ишда Муяссар опадан қолишмайди. У бу йил 5 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 120 килограммдан пилла олишга бел боғлаган. Пилладан мўл ҳосил олиш учун курашаётган Санобар Азимова, Пўлатой Жумабекова, Замира Аҳмедова, Қумри Ёқубова, Роба Саидова, опа-сингил Қорабоевалар сингари моҳир пиллачилар парвариш қилаётган қуртлар ҳам шу кунларда пилла ўрамоқда.

Колхоз пиллачилари, 162 қути ипак қурти уруғидан 10.500 килограмм пилла етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар ўз сўзлари устидан албатта чиқадилар.

Ю. ЗИЁДОВ.

ПИЛЛА—ХАЛҚ БОЙЛИГИ

Шу кунларда мамлакатимиздаги ҳар бир меҳнаткаш шонли Коммунистик партиямизнинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнат совғаси тайёрламоқда. Корхонада ишлаётган ишчи ҳам, совхоз механизатори ҳам, колхозчилар, пиллачилар ҳам Ватанимиз янада қудратли ва бой, турмушимиз тағин ҳам фаровон бўлсин деб, иштиёқ билан шу мақсад йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

Деҳқон пиллани йилнинг биринчи ҳосили, биринчи хирмони деб атайди. Пиллачилар шу кезларда ана шу биринчи хирмоннинг баракали бўлиши, яхши, нафис либослар мўл-кўл ва арзон бўлиши учун астойдил, иш қисталанг келиб қолганида ҳузур-ҳаловатидан, кечалари уйқусидан ҳам кечиб, ипак қуртларини боқмоқда. **Бу йил Ватанимизга 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин», 314 минг тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш қанчалик зарур ва нақадар муҳим бўлса, мамлакатга 14660 тонна пилла етказиб бериш ҳам шунчалик шарафли вазифадир.**

Коммунистик етти йилликнинг учинчи йили баҳори ғоят саховатли келди. Ипак қуртининг озуқаси — тут барги мўл бўлди. Ишнинг кўзини биладиган пиллачилар ипак қуртларини бултургидан анча барвақт жонлатириб, қурт боқиш ишларини энг яхши муддатда уюшқоқлик билан бошлаб юборидилар. Бу — мамлакатга мўл-кўл пилла етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятимизни баҳорги қурт боқишданоқ тўла ва ортиғи билан бажариш имконини беради.

Мамлакатга бу йил республикамиз бўйича ваъда қилинган пилланы етказиб беришнинг энг муҳим гарови ипак қуртларини жадал усулда боқиб, ҳамма жойда вақтдан ютишдан, кам ҳосил оладиган хўжаликларни илғорлар даражасига етказиш ҳисобига ялпи пилла ҳосилини кўпайтиришдан иборатдир.

Бу йил мамлакатга 1220 тонна пилла топширамиз деган сурхондарёлик колхозчилар пилла теришни бултургига нисбатан икки ҳафта олдин бошлаб юбордилар. Шу кеча-кундузда Термиз, Шерабод, Фарғона областининг Куйбишев, Бағдод ва бошқа районларида 1961 йилнинг дастлабки ҳосилини, биринчи хирмонни кўтариш иши қизғин бошланиб кетди.

Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг моҳир пиллачиси Хосият Аҳмедова ҳар қутидан ҳозирнинг ўзидаёқ 93 килограммдан пилла териб топширди. Кеча Фарғона областининг Ленинград районидан хушхабар олинди: «Сталинобод» колхозининг аъзоси новатор пиллачи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сталин мукофоти лауреати Олияхон Султонова пилла теришга тушиб, ҳар қути қурт уруғи ҳисобига 121 килограммдан пилла топширишга муваффақ бўлди. Ўртоқ Султонова республика хотин-қизларининг яқинда очиладиган съездига туҳфа қилиб, ҳар бир қутидан камида 131 килограммдан сара пилла териб олиш учун астойдил қурашмоқда.

Халқимиз ипак кийсин, деб жон қуйдириб ишлаш намунасини кўрсатаётган бундай моҳир пиллачилар республикамизнинг ҳар бир колхоз ва совхозида топилади.

Бу йил мамлакатга республикамизда энг кўп — 4000 тонна пилла етказиб берадиган Фарғона областининг Бағдод райони пиллачилари яхши ташаббус бошладилар. Бағдодликлар мамлакатга 560 тонна пилла сотиш, бунинг учун ҳар бир қутидан камида 65 килограммдан пилла териб олиш мажбуриятини олдилар. Улар бу мажбуриятни тез кун ичида, узоғи билан 15 майгача бажаришга қарор қилдилар. Бағдодликлар ташаббуси асосида пиллачилар ўртасида юз килограммчилар ҳаракати кенг тус олди.

Баҳорнинг ҳозирги даври ниҳоят нозик пайт. Ғўза ердан алла қачон бош кўтариб, далаларимиз яшил квадратлар билан безанди. Илғор пахтакорлар ғўзани бир марта комплекс парвариш қилиб қўйдилар. **Шундай долзарб пайтда ғўза парваришини сира бўшаштирмаган ҳолда, ипак қуртларини умумлаштирган ҳолда катта биноларда боқиш, ипак қуртини хусусан катта ёшида баркка тўйдириш, ҳар бир қуртхонага ўз вақтида етарли миқдорда яхши даста солиб, сара пиллани уюшқоқлик билан териб олиш колхозчилардан, пиллачилардан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан зўр ғайрат ва маҳорат, ташкилотчилик талаб қилади.**

Айрим жойларда пилла деб ғўза парвариши бўшаштириб юборилади ёки аксинча ипак қуртларини боқишга етарли эътибор берилмайди. Яхши деҳқон, ишнинг кўзини биладиган колхознинг раҳбари ҳозирги кунда ҳар икки муҳим ишнинг ҳам ўз вақтида кўнгилдагидек бажарилишини таъминлайди.

Мамлакатга мўл-кўл, шу билан бирга аъло навли ва арзон пилла бериш керак. Бунинг учун эса ипак қуртларини кенг сўкичакларда яйратиб боқиш, қуртхоналарда ҳавонинг нормадаги иссиқлиги ва намлигини сақлаш, қуртхоналарни вақти-вақти билан шамоллатиб туриш, ипак қуртларини катта ёшда айниқса баркка тўйдириш катта аҳамиятга эгадир. Чунки ипак қурти баркка қанча яхши тўйса, шунча салмоқли, тарози босадиган ва сифатли пилла ўрайди.

Шу кеча-кундузда тут баргидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор бериш керак. Тут баргларини нес-нобуд қилиш сингари жиноий фактларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Колхоз, совхозларнинг, маҳаллий партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари илғор пиллачиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, мамлакатга кўп ва сифатли пилла етказиб бераётган машъалларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш муҳим вазифа эканлигини унутмасликлари лозим. Шу билан бирга пиллачиларнинг самарали ишлашлари учун қулай шароит яратиб беришлари зарур. Ипак қуртларини катта жамоат биноларида жадал усулда боқиш, барғдан тўғри фойдаланиш — пилла таннархини арзонлаштиришнинг гаровидир.

Пилла — халқ, давлат бойлиги. Унинг бир донаси ҳам нобуд қилинмаслиги, етиштирилган бутун пилла дарҳол давлат омборига тўла топширилиши керак. Пилла қабул қилиш пунктларида намунали тартиб ўрнатиш, пиллачилар ва терилган пиллани тайёрлов пунктларига топширадиган кишилар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак.

Жонажон партиямизнинг XXII съездига бутун совет халқи билан биргаликда муносиб туҳфа тайёрлаётган республикамиз пиллачилари баҳорги қурт боқишданоқ давлат омборига 14660 тонна пилла топшириш учун ғайрат камарини белларига тағин ҳам маҳкамроқ боғлашсин, фидокорона меҳнат дурдоналарини яхшилаб териб олиб, социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун барча чораларни кўришлари керак.

Пахта ҳам, гўшт ҳам кўпайсин!

Чўчқабоқарлар республика кенгаши қатнашчиларининг Ўзбекистондаги ҳамма чўчқабоқарларга, зооветеринария мутахассисларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Совет халқи КПСС XXI съезди қарорларини бажара бориб, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг улуғвор программасини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш тадбирларини белгилаган КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми гўшт етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири сифатида чорвачиликнинг тез кўпаядиган тармоғи бўлган чўчқачиликни ҳар тарафлама ривожлантириш кераклигини кўрсатиб ўтди.

Бизнинг машъалларимиз Ж. Султонов, Л. С. Мазуренко, К. Маматов, Я. Кириллов, Н. Г. Бабич, М. Г. Бунина, Н. И. Иовлев, Е. М. Яроцкая, А. А. Ясенева, Пак Дин Себ, Г. Острастин ва бошқаларнинг тажрибаси чўчқачиликка яхши эътибор берилса, у нималарга қодир эканлигидан далолат бермоқда.

Чўчқабоқар Жўра Султонов 1960 йилда умумий сғирлиги 1585 центнер келадиган 1232 чўчқани боқиб семиртирди. Тўрткўл районидаги «Ленинград» колхозининг чўчқабоқари Мария Григорьевна Бунина 1057 центнер чўчқа гўшти топширди. «Ҳазорбоғ» совхозининг Леонид Степанович Мазуренко бошлиқ чўчқачилик бригадаси 1960 йилда Ватанга тирик вазнда 1200 центнер чўчқа гўшти топширди. Чўчқачилик фермаси совхозга 300 минг сўмдан кўпроқ фойда берди.

«Бўка» совхозининг чўчқабоқари Н. И. Иовлев 1135 бош чўчқани семиртириб ва тирик вазнда 1038 центнердан кўпроқ гўшт топширди. «Ударник» совхозининг чўчқабоқари Я. Кириллов 1360 бош чўчқани боқиб семиртирди ва гўштга топширди.

1- «Ғаллаорол» совхози (директори ўртоқ Л. Ф. Мамонтов), Сталин номли 8- совхоз (директори ўртоқ Н. Ф. Разин), 1- «Самарқанд» совхози (директори ўртоқ Б. Рашидова), шунингдек, «Совой», 4- «Вревский» совхозлари ва бошқалар чўчқачиликни ривожлантириш ва кўп гўшт етиштиришда яхши натижаларга эришдилар. Биз ўз машъалларимизга тенглашиш учун курашиб, яқин вақт ичида чўчқа гўштини кўп етиштиришга эриша оламиз.

Биз, чўчқабоқарлар республика кенгашининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалик илғорлари зонал кенгашларида гўшт етиштиришни кескин равишда кўпайтириш ҳақидаги кўрсатмаларини амалга ошира бориб, чўчқачилик фермаларининг барча ходимларини, мутахассисларини, республика колхозлари ва совхозларининг ҳамма раҳбарларини умумхалқ вазифасини — аҳоли жон бошига гўшт етиштиришда яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш вазифасини ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшишга даъват этамиз.

Яқин икки-уч йил ичида ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 75 центнердан, қолган бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 16 центнердан гўшт етиштиришга қарор қилган «Совой» совхози, Избоскан районидаги «Партия XX съезди», Поп районидаги Ленин номли колхозларнинг ва бошқа хўжаликларнинг намунаси бу вазифани бемалол бажариш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Етиштирилаётган гўштнинг умумий ҳажмида чўчқа гўштининг салмоғи анча ортиши керак. Бу эса биз, чўчқачилик ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Чўчқачилик учун мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтириш керак. Ҳар бир хўжаликда маккажўхорининг қуруқ донини ва думбул сўтасини олиш учун етарли миқдорда ер ажратиш, қанд лавлаги майдонларини кенгайтириш, бу экинлардан юқори ҳосил олишнига эришиш керак, токи чўчқачиликнинг концентрат ва ширали озуқаларга бўлган эҳтиёжи хўжаликларнинг ўзларида етиштирилган маҳсулот ҳисобига тўла равишда таъминлансин. Ҳамма хўжаликларнинг ва барча чорвадорларнинг вазифаси — бедадан юқори ҳосил олишдан, витаминга бой бўлган хашакларни тайёрлашни кенг қўлланишдан ва аралаш силос бостиришни кучайтиришдан иборатдир.

Ҳозир мавжуд чўчқачилик фермаларининг майдалиги чўчқаларни катта группаларга ажратиб эркин ҳолда боқишдек илғор усулларни қўлланиш ва иш жараёнларини комплекс механизациялаш имкониятини бермайди. Майда фермалар оз маҳсулот беради ва у хўжаликларга жуда қимматга тушиб кетади. Биз ҳамма зооветеринария мутахассисларини ва колхозларнинг раҳбарларини йирик колхоз ва колхозлараро чўчқачилик фермалари ташкил этишга дадил киришишга, шунингдек, совхозларда чўчқачиликни ихтисослаштиришга ва бунда чўчқаларни катта группаларга ажратиб катаксиз боқишга, фермалардаги ҳамма иш жараёнларини механизациялашга чақирамиз. Чўчқачилик фермаларида ем-хашак тайёрлайдиган хона, хашакларни майдалайдиган машиналар бўлишини, аралаш ем-хашак тайёрлашни ташкил этиш, шунингдек ҳамма фермаларни жойлардаги водопровод суви билан ёки оқар сув билан таъминлаш керак.

Подаларни урчитиш йўли билан янгилаш ва кўпайтиришни яхшилаш лозим. Бунинг учун асосий урғочи чўчқаларни кўпайтириш, йил бошида ҳар бир асосий урғочи чўчқа ҳисобига бир марта урчитиладиган камида икки-уч урғочи чўчқа бўлиши, ҳар бир асосий урғочи чўчқани йилига икки марта болалатиб, камида 18-20 тадан, бир марта урчитиладиган чўчқаларнинг ҳар биридан камида 6 тадан насл учун чўчқа боласи олиш зарур. Яқин бир-икки йил ичида чўчқаларни фақат маълум вақтда: баҳорда март, апрель ойларида ва кузда сентябрь, октябрь ойларида болалатиш усулини ҳамма жойда қўлланиш керак. Бу — чўчқа болаларини йилнинг энг қулай пайтида капитал биноларсиз ўстириш ва чўчқа болалари онасидан ажратилмаган даврда уларнинг нобуд бўлишини анча камайтириш имконини беради. Йирик оқ зотдан бўлган урғочи чўчқаларни Шимолий Кавказ чўчқаси, ландрас ва йирик кора чўчқалар билан чатиштиришни кенг қўлланиш зарур.

Чўчқаларни ёзда кўк беда билан ва сабзавот, қовун-тарвуз чиқиндилари билан боқиш керак. Бу эса концентрат озуқаларни анча кам сарфлаш ва арзон гўштни кўпроқ олиш имкониятини беради. Чўчқа болаларини тўла сақлаб қолиш ва тез ўсишини таъминлаш учун антибиотикли ўтлар ва минерал моддалар (қизил тупроқ, бўр, кўмир, суяк уни) бериб боқиш лозим.

Чўчқаларни боқишни тўғри ташкил этиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳамма жойда гўштга боқилаётган чўчқаларнинг самокормушкалардан ўз ўзидан овқатланишини ташкил этиш, шунингдек боқилаётган чўчқаларнинг вазни тез ошишига эришиш мақсадида биостимуляторларни қўлланиш керак.

Ҳамма ишнинг ҳам муваффақияти кадрларга, уларни тўғри танлашга ва жой-жойига қўя билишга, ходимларнинг малакасига боғлиқдир. Кадрларни қунт билан тарбиялаш, ўстириш, уларни илғор чўчқачилик хўжаликлари ва пешқадамларнинг конкрет мисолида чиниқтириш лозим. Биз комсомоллар ва ёшларни чўчқачилик фермаларида ишлашга даъват этамиз.

Биз Ўзбекистондаги барча чўчқабоқарларни, зооветеринария мутахассисларини, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини чўчқачиликдаги ташкилий ишларни кучайтиришга, кўп миқдорда соғлом чўчқа болалари олиш учун астойдил қурашишга, чўчка гўштини кўп етиштиришга, унинг таннархини камайтиришга чақирамиз.

Етти йилликнинг учинчи йили — 1961 йил Ўзбекистон чўчқабоқарларининг меҳнатда катта муваффақиятларга эришган йили бўлсин.

Ўзбекистон ССР илғор чўчқабоқарларининг республика кенгашида қабул қилинган.

БАЙРАМ ОЛДИДАН

ТБИЛИСИ, 8 май. (ТАСС). Совет Грузияси катта байрам арафасида турибди. Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилган ва Коммунистик партия ташкил топган куннинг 40 йиллиги яқинлашмоқда. Бу ажойиб кун яқинлашган сари умумхалқ социалистик мусобақаси тобора авж олмоқда, шаҳар ва қишлоқлар тобора кўркам тус олмоқда.

Саноат корхоналарида, муассасаларда, колхоз ва совхозларда юбилей кечалари ўтказилмоқда. Тбилисидаги Темир йўлчилар уйида келажак разведкачиларининг — шаҳардаги Сталин район саноат корхоналари ва қурилишлари коммунистик меҳнат зарбдорларининг слёти бўлди. Махарадзе районидаги меҳнаткашлари муҳим воқеани катта дўстлик байрами билан нишонладилар. Улар қардош Украинанинг ўзлари билан мусобақадош Гениче районидаги меҳнаткашлари делегацияларини меҳмонга таклиф этдилар.

Барча илмий муассасалар ва ўқув юртларида Совет Грузиясининг ва Грузия Компартиясининг 40 йиллигига бағишланган юбилей сессиялари ўтказилмоқда. И. В. Сталин номидаги Тбилиси давлат университети ўтказган илмий сессияда мамлакатнинг 15 шаҳридаги олий ўқув юртларининг вакиллари қатнашди. Озарбайжон, Ереван ва Тбилиси, медицина институтларининг қўшма илмий сессиясида уч республикада медицина фани ва соғлиқни сақлаш ишларининг муваффақиятлари тўғрисида гап бўлди.

Республика театрлари юбилей спектакллари тайёрладилар.

ТОШКЕНТДА ҒАЛАБА КУНИНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

Барча совет кишилари билан биргаликда Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ҳам гитлерчилар Германияси устидан ғалаба қозонган кунни кенг суратда нишонладилар. Саноат корхоналарида, муассасаларда ва ўқув юртларида лекция ва суҳбатлар. Совет Иттифоқининг Қаҳрамонлари билан, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари билан учрашувлар, ана шу шонли воқеага бағишланган тантанали кечалар ўтказилди. Парклларда, маданият саройларида ва уйларида, кутубхоналарда ва қизил бурчакларда фотовиставкалар очилди.

Ишчи, хизматчи, ўқувчилар коллективлари жангчилар қабрларига гулчамбарлар қўйдилар. Уларнинг кўрсатган жасоратлари Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун, меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун, коммунизмнинг буткул тантана қилиши учун курашнинг шонли солномасе олтин саҳифаларидан ўрин олади.

Кечқурун шаҳар байрам чироқлари билан ёришиб кетди. Ўзбекистон пойтахти совет халқининг қаҳрамонона жасорати шарафига тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют берди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

9 майда Тошкент Округ офицерлар уйи театрида Ўзбекистон архитекторларининг VI съезди бўлиб ўтди. Ўзбекистон архитекторлар союзи правлениесининг раиси М. С. Булатов Архитекторлар союзининг 1959-1960 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисобот доклади қилди.

Правлениенинг ва ревизия комиссиясининг янги состави сайланди. (ЎзТАГ).

(Батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади).

ПРОФЕССОР Т. З. ЗОҲИДОВ — ҲИНДИСТОНДАГИ ЗООЛОГИЯ АКАДЕМИЯСИНИНГ АЪЗОСИ

Тошкент университетининг профессори Т. З. Зоҳидов зоологларнинг Аградаги (Ҳиндистон) халқаро ташкилоти — Зоология академиясининг аъзоси қилиб сайланди. (ЎзТАГ).

Н. С. ХРУШЧЕВ СЕВАН КЎЛИ ҚИРҒОҒИГА БОРДИ

ЕРЕВЕН, 9 май. (ТАСС). Ўртоқ Н. С. Хрушчев беш кундан бери Арманистон меҳнаткашларининг меҳмони бўлиб турибди. Бугун у Арманистон Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари билан бирга баланд тоғли Севан кўли қирғоқларига сафар қилди ва Севан ерости гидроэлектростанциясини кўздан кечирди.

ФАШИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ЎТИДА ТОБЛАНГАН БУЗИЛМАС ДЎСТЛИК

МОСКВА, 8 май. (ТАСС). Совет Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикасининг раҳбар арбоблари Чехословакия фашистлар оккупациясидан озод қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан бир-бирларига телеграмма юбордилар.

Н. С. Хрушчев ва Л. Н. Брежневнинг телеграммасида айтилади ки, Совет Иттифоқининг халқлари истеъдодли чехословак халқининг меҳнат зафарларидан самимий қувонмоқдалар. Халқларимиз ўртасида фашист босқинчиларга қарши биргаликда олиб борилган кураш ўтида тобланган бузилмас дўстлик социалистик мамлакатлар ўртасидаги чинакам қардошлик муносабатларининг ёрқин намуналаридан бири бўлиб, уларнинг социализм ва коммунизм қурилишидаги янги муваффақиятларга эришувининг гаровидир.

Бугунги кунда, дейилади А. Новотний ва В. Широкийнинг телеграммасида, Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари ўзларини озод қилиш учун Совет Иттифоқининг қаҳрамон халқлари берган катта қурбонларини чуқур миннатдорчилик билан яна эсга олмоқдалар. Чехословакия Республикасининг меҳнаткашлари совет халқининг ажойиб муваффақиятларини завқшавқ билан табрикламоқдалар.

* * *

СССР ташқи ишлар министри А. Громико ва Чехословакия ташқи ишлар министри В. Давид ҳам бир-бирларига табрик телеграммалари юбордилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Журналистлар союзининг аъзоси, «Муштум» журналининг редактори **Акмал Пўлатов** туғилган кунига 50 йил тўлганлиги ва адабий ҳамда журналистик фаолиятининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Суратда: кенгаш қатнашчиларидан бир группаси. (чапдан) Н. Бабич (Сталин районидаги Калинин номли колхоз), Т. Назарова (Сурхондарё областидаги Ленин номли совхоз), М. Холдоров (Жалақудуқ районидаги Энгельс номли колхоз), Н. Иовлев (Бўка районидаги «Бўка» совхози), М. Тўйчиев (Бўстонлиқ районидаги 14-боғдорчилик совхози).

И. Глауберзон фотоси.

Чўчқачиликка кенг йўл

ИЛҒОР ЧЎЧҚАБОҚАРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДАН

Тошкентда илғор чўчқабоқарларнинг республика кенгаши бўлиб ўтганлиги ҳақида бундан илгари хабар қилинган эди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети гомонидан чақирилган бу кенгашга ҳамма областлардаги колхоз ва совхозларнинг энг яхши кишилари — мамлакатга донг таратган чорвадорлар Ярослав Чиж ва Татьяна Перешивколларнинг издошлари тўпландилар. Улар ўзларининг муваффақиятлари ҳақида бир-бирларига сўзлаб бериш, бой тажрибалари билан ўртоқлашиш, чорвачиликнинг тез кўпаядиган тармоғи бўлган чўчқачиликни янада кескин ривожлантириш учун нималар қилиш кераклигини маслаҳатлашиб олиш мақсадида республика пойтахтида тўпландилар.

Кенгаш қатнашчилари асосий эътиборни КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев мамлакатимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига камида 75 центнердан, қолган бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 16 центнердан гўшт етиштириш юзасидан қўйган улуғвор ва муҳим вазифани тезроқ ва муваффақиятли ҳал қилишга қаратдилар. Ана шу программани тезроқ бажариш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиққан Андижон областидаги «Совой» совхози, Избоскан районидаги «Партия XX съезди», Фарғона область, Поп районидаги Ленин номли колхозлар ва бошқа хўжаликлар коллективларининг ажойиб ташаббуси қизғин маъқулланди.

МИНГ ЦЕНТНЕРДАН ГЎШТ ЕТИШТИРИШГА СЎЗ БЕРДИЛАР

Республиканинг моҳир чўчқабоқарлари — минг центнердан гўшт етиштириш учун курашаётган кишиларнинг нутқлари зўр қизиқиш билан тингланди. Улар колхоз ва совхозлар гўшт, аввало чўчқа гўшти етиштиришни кўпайтириш учун жуда катта имкониятларга эга эканлигини ўз ҳалол меҳнатлари билан амалда кўрсатдилар.

Самарқанд областидаги 1- наслчилик совхозининг машҳур чўчқабоқари, ўзбек йигити Жўра Султонов ўз меҳнат совғаси билан Ватанни қувонтирди. У ўтган йили олган мажбуриятини анча ошириб бажарди: 1232 чўчқани катта группаларга ажратиб боқиб семиртирди ва давлатга 1585 центнер гўшт сотди. Никита Сергеевич Хрушчев унинг ҳалол меҳнатига юксак баҳо берди, ажойиб муваффақият билан табриклади ва ишлаб чиқаришда янада юқори кўрсаткичларга эришишини тилади.

Н. С. Хрушчевнинг Жўра Султоновга юборган табрик хати республикадаги ҳамма чўчқабоқарларни тўлқинлантириб юборди. Улар янада яхшироқ ишлашга, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўлчилигини вужудга келтириш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшишга ваъда қилдилар.

Жўра Султоновнинг ўзи ҳам янада юксакроқ маррани кўзлади. Ҳозир у, дейди наслчилик совхозининг директори **Б. Рашидова**, 2500 тадан кўпроқ чўчқани боқиб семиртириш ва давлатга 2565 центнер чўчқа гўшти сотиш, бир центнер гўштнинг таннархини 40 сўмгача туширишни ўз ваъдасининг устидан чиқмоқда. Жўра Султонов ҳозир 1476 чўчқани парвариш қиляпти. Шу йилнинг бошидан бери давлат қабул пунктига 320 центнер чўчқа гўшти топширди. Ўртоқ Султонов самокормушкадан автопоилкадан яхши фойдаланмоқда, ем-хашакни ташиб келтиришда, чўчқалар боқиладиган лагерларни тозалашда механизмларни қўлланмоқда. Бу эса унга гўшт етиштиришни анча арзонлаштиришга, бир ўзининг 800-1000 бош чўчқани парвариш қилишига имкон бермоқда.

Ўзбекистондаги бошқа чўчқабоқарлар — 1000 центнердан гўшт етиштириш учун курашувчилар ҳам кенг оммага танилганлар. «Бойсун» совхозининг чўчқабоқари **К. Маматов** ўтган йили чўчқаларни семиртириб 1000 центнер гўшт олди, бу йил эса 1600 центнер чўчқа гўшти етиштиришга сўз берди. У кенгашда гўшт етиштириш ва давлатга сотиш йиллик планини партия XXII съезди очиладиган кунгача бажаришга ваъда қилди.

Кенгаш қатнашчилари «Ударник» совхозининг чўчқабоқари **Я. Кирилловнинг** сўзларини зўр қизиқиш билан тингладилар. Я. Кириллов ўтган йили мажбуриятдаги 1000 бош чўчқа ўрнига 1370 бош чўчқани боқиб семиртирди ва давлатга 1270 центнер семиз гўшт топширди, маҳсулот таннархини пландагидан 5 процент ва аввалги йилдагидан 16 процент камайтирди. Бу йил, — дейди Я. Кириллов, — давлатга 1500 центнер гўшт етказиб бераман, ҳозирданоқ салкам 300 центнер гўшт сотдим.

Сталин районидаги Калинин номли колхоз чўчқабоқари **Н. Г. Бабичнинг** сўзи ҳам кенгаш қатнашчиларини жуда қизиқтирди. Фақат бизнинг колхоздагина эмас, дейди у, райондаги бошқа хўжаликларда ҳам чорвачиликнинг тез кўпаядиган тармоғига катта эътибор берила бошлади. Тезда яхши натижага эришилди. Калинин номли колхозда чўчқалар тўрт баравар кўпайди, бутун район бўйича эса икки баравар ошди. Ҳозир районда колхозлараро чўчқачилик фермаси ташкил қилинмоқда. Бу эса арзон гўштни кўплаб етиштириш имкониятини беради.

(Охири учинчи бетда)

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОНКРЕТ РАҲБАРЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

(ҚИШЛОҚ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН)

<>

КПСС XXII съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган районимиз меҳнаткашлари етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажарилишига катта таъсир кўрсатяпти.

Хрушчев номли колхоз кам ҳосилли ва қолоқ хўжаликлардан эди. Район партия комитети бу хўжаликка амалий ёрдам бериш чораларини кўрди. Олий маълумотли, янгиликни ҳис этувчи тажрибакор коммунист Болта Давлатов колхоз раислигига тавсия этилди. Колхоз партия ташкилотининг ишчанлик, ташкилотчилик қобилияти оширилиб, унинг омма ўртасида таъсири кенгайди. Мажлисбозлик, ваъдабозлик ўрнини амалий иш олди. У ёки бу масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг ижроси мунтазам текшириб борилди.

Натижа чакки бўлмади. Пахта майдони анча кенгайтирилди, янгидан ўнта трактор-далачилик бригадаси тузилди. Колхозчилар бу йил давлатга 2575 тонна пахта сотиш ҳақидаги социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришга мустаҳкам замин яратяптилар.

«Ромитан» пахтачилик совхозининг 8-бўлим мудири коммунист Бозор Асадов ишлаб чиқаришни ташкил қилишга оператив, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмади, перспектив масалаларни ҳал этишда партия ташкилоти, коммунистлар, мутахассислар, тажрибакорларга талимай, ўзбошимчалик билан ҳаракат қилишга уринди. Район партия комитети ўртоқ Асадовни ўз вақтида қаттиқ тартибга чақирди, коллегиал раҳбарлик принципига қатъий амал қилиш зарурлигини уқтириб ўтди. Аммо у бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Агротехниканинг прогрессив усулларини иккор этиб, қолоқ усулга ёпишиб олди. Натижада бир йилда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 8 центнер камайиб кетди.

Район партия комитетининг бюроси бўлимдаги аҳволни анализ қилиб, Бозор Асадовни раҳбарлик лавозимидан олиб ташлади. Унинг ўрнига район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи, олий маълумотли агроном Убайдулла Исматов тайинланди. Ҳозир бўлимда иш юришиб кетди. Чигит экиш районда биринчи бўлиб тугалланди, ҳозир ғўза парвариши қизғин давом эттириляпти.

Район хўжалигининг бошқа звенолари ҳам малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Шуни кўрсатиб ўтиш кифояки, бу йил олий маълумотли 27 агроном, 17 механизатор трактор-далачилик бригадаларига бошчилик қилиш ҳоҳишини билдириб, амалий иш бошлаб юбордилар.

Конкрет раҳбарликнинг хусусиятларидан бири — кишиларни ростгўйлик, камчиликларга шафқатсиз муносабатда бўлиш, қийинчиликлар олдида иккиланмаслик, уни ҳалол меҳнат билан енгиш руҳида тарбиялашдир. Партия ташкилотлари ҳар бир хўжалик ва ҳар бир меҳнаткашга ўз олдида турган конкрет вазифаларни тўла тушуниб олишида ва уни онгли равишда бажаришида кўмаклашиши керак. Ана шундагина қонкрет раҳбарликнинг таъсири яққол сезилади. Аниқроқ қилиб айтганда, конкрет раҳбарлик партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини амалга ошириш, хўжаликни комплекс ривожлантириш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўлкўллигини яратиш соҳасида эришилган муваффақиятлар билан баҳоланади.

Сталин номли колхоз (раиси Б. Назаров, партия бюросининг секретари Х. Ражабов ўртоқлар) бу йил 1560 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиши керак. Партия ташкилоти пропаганда ва агитациянинг барча форма ва методларини ишга солиб, бу вазифани колхозчи-механизаторларнинг онгига сингдирди, кишиларда ғайрат ҳиссиётларини уйғатди. Ҳамма амалий ишга киришган бир пайтда партия ташкилоти янги масала кўтарди — мутахассислар, тажрибакорларнинг диққат-эътиборини янги ер очишга қаратди. Пахтачиликдан кетмонни батамом сиқиб чиқариш, дала ишларини тўла механизациялаш, оз меҳнат сарфлаб кўп маҳсулот олиш йўли билан унинг таннархини арзонлаштириш каби актуал масалалар билан мунтазам шуғулланиб борди. Натижада колхоз йирик ва кўп тармоқли, механизациялашган хўжаликлардан бирига айланди.

Коммунистик партия раҳбарлик доимо ишлаб чиқаришга яқин туриши, раҳбар кадрлар ғоявий жиҳатдан етук ва принципиал бўлиши, шахсий манфаатдан давлат манфаатини устун қўйиши лозимлигини уқтириб келмоқда. «Ромитан» совхозининг коммунист-активлари, бутун коллективи бунга яхши билади. Шунинг учун ҳам ҳар бир раҳбар доим ҳал қилувчи участкаларда туриб, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришда ташкилотчилик кўрсатмоқда.

Совхоз 10 минг 500 тонна пахта етиштиради, 5000 тонна ҳосилни машинада териб олади. Бу улкан вазифани муваффақиятли бажариш учун нималар қилиш керак? Бу масала совхоз партия комитетининг бюросида муҳокама қилиниб, амалий тадбирлар белгиланди.

Партия комитетининг аъзолари ва бўлимлардаги бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари чигитни режа сими тортиб квадрат-уялаб экиш, уяларга белгиланган миқдорда чигит ташлаб кетиш ишларининг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб бордилар. 36 хотин-қиз механик-ҳайдовчилик ҳунарини ўрганди. Дала шийпонлари, қизил бурчаклар, жамоат жойларида ҳар хил темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилаётир. Кадрлар иқтисодий билим билан қуроллантирилмоқда. Ҳар бир ходим белгиланган ишлаб чиқариш планларининг бажарилишида коммунистга хос авангардлик ва принципиаллик кўрсатяпти. Ишнинг ана шундай ташкил этилиши натижасида совхоз олдида турган сиёсий ва хўжалик вазифалар муваффақиятли ҳал этиляпти. Ҳамма майдонларда чигит бир текисда ундириб олинди, илғор бригада, бўлимларда ғўза парвариши қизғин давом эттириляпти.

Район хўжалигининг бошқа звенолари ҳам малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Шуни кўрсатиб ўтиш кифояки, бу йил олий маълумотли 27 агроном, 17 механизатор трактор-далачилик бригадаларига бошчилик қилиш ҳоҳишини билдириб, амалий иш бошлаб юбордилар.

Конкрет раҳбарликнинг хусусиятларидан бири — кишиларни ростгўйлик, камчиликларга шафқатсиз муносабатда бўлиш, қийинчиликлар олдида иккиланмаслик, уни ҳалол меҳнат билан енгиш руҳида тарбиялашдир. Партия ташкилотлари ҳар бир хўжалик ва ҳар бир меҳнаткашга ўз олдида турган конкрет вазифаларни тўла тушуниб олишида ва уни онгли равишда бажаришида кўмаклашиши керак. Ана шундагина қонкрет раҳбарликнинг таъсири яққол сезилади. Аниқроқ қилиб айтганда, конкрет раҳбарлик партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини амалга ошириш, хўжаликни комплекс ривожлантириш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўлкўллигини яратиш соҳасида эришилган муваффақиятлар билан баҳоланади.

Сталин номли колхоз (раиси Б. Назаров, партия бюросининг секретари Х. Ражабов ўртоқлар) бу йил 1560 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиши керак. Партия ташкилоти пропаганда ва агитациянинг барча форма ва методларини ишга солиб, бу вазифани колхозчи-механизаторларнинг онгига сингдирди, кишиларда ғайрат ҳиссиётларини уйғатди. Ҳамма амалий ишга киришган бир пайтда партия ташкилоти янги масала кўтарди — мутахассислар, тажрибакорларнинг диққат-эътиборини янги ер очишга қаратди. Пахтачиликдан кетмонни батамом сиқиб чиқариш, дала ишларини тўла механизациялаш, оз меҳнат сарфлаб кўп маҳсулот олиш йўли билан унинг таннархини арзонлаштириш каби актуал масалалар билан мунтазам шуғулланиб борди. Натижада колхоз йирик ва кўп тармоқли, механизациялашган хўжаликлардан бирига айланди.

Коммунистик партия раҳбарлик доимо ишлаб чиқаришга яқин туриши, раҳбар кадрлар ғоявий жиҳатдан етук ва принципиал бўлиши, шахсий манфаатдан давлат манфаатини устун қўйиши лозимлигини уқтириб келмоқда. «Ромитан» совхозининг коммунист-активлари, бутун коллективи бунга яхши билади. Шунинг учун ҳам ҳар бир раҳбар доим ҳал қилувчи участкаларда туриб, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришда ташкилотчилик кўрсатмоқда.

Совхоз 10 минг 500 тонна пахта етиштиради, 5000 тонна ҳосилни машинада териб олади. Бу улкан вазифани муваффақиятли бажариш учун нималар қилиш керак? Бу масала совхоз партия комитетининг бюросида муҳокама қилиниб, амалий тадбирлар белгиланди.

Партия комитетининг аъзолари ва бўлимлардаги бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари чигитни режа сими тортиб квадрат-уялаб экиш, уяларга белгиланган миқдорда чигит ташлаб кетиш ишларининг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб бордилар. 36 хотин-қиз механик-ҳайдовчилик ҳунарини ўрганди. Дала шийпонлари, қизил бурчаклар, жамоат жойларида ҳар хил темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилаётир. Кадрлар иқтисодий билим билан қуроллантирилмоқда. Ҳар бир ходим белгиланган ишлаб чиқариш планларининг бажарилишида коммунистга хос авангардлик ва принципиаллик кўрсатяпти. Ишнинг ана шундай ташкил этилиши натижасида совхоз олдида турган сиёсий ва хўжалик вазифалар муваффақиятли ҳал этиляпти. Ҳамма майдонларда чигит бир текисда ундириб олинди, илғор бригада, бўлимларда ғўза парвариши қизғин давом эттириляпти. 700 гектар ердаги ғўза биринчи парваришдан чиқарилди.

Бироқ, хўжаликка конкрет раҳбарликни таъминлашда айрим жузъий камчиликлар ҳам бор. Карл Маркс номли колхоз раҳбарлари (раиси Ж. Асадов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Т. Ғофуров ўртоқлар) хўжаликни бошқаришда ташаббус кўрсатмаётирлар. Бу ерда қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга катта таъсир кўрсатадиган ички резервлар тўла ишга солинмаяпти. Партия ташкилоти колхозчиларни етти йиллиқнинг учинчи йилида колхоз олдида турган вазифаларни бажаришга сафарбар этишда сусткашлик қиляпти. Дала шийпонлари жиҳозланиб, сиёсий-оммавий ишлар марказига айлантирилмаган. Агитаторлар яхши танланмаган. Суҳбат ва лекциялар ҳаётдан, хўжалик олдида турган конкрет вазифалардан ажралган ҳолда ўтказилади.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари хўжаликка конкрет раҳбарликни янада такомиллаштириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишини таъминлайдилар.

Н. БОЗОРОВ,

Бухоро область, Ромитан район партия комитетининг секретари.

ТУРТ ТЕЛЕМАРКАЗ — БИР КОЛХОЗНИНГ МЕҲМОНИ

ХОЛДЕВОНБЕК, (Андижон области). Ленин номли колхоз дала шийпонларининг тепасида телевизион антенналар кўзга ташланади. Кечқурунлари бу ерда колхозчилар Тошкент, Фрунзе, Олмаота ва Андижон телемарказларининг эшитиришларини томоша қиладилар. Дала шийпонлари ўзига хос концерт залларига айланиб кетди. Уч республиканинг артистлари ҳаворанг экранларда пахтакорлар олдида концерт бермоқдалар. (ЎзТАГ).

Бухоро области Навоий ГРЭСини қураётган азаматлар станциянинг биринчи навбатини партиямизнинг XXII съезди очиладиган кунгача қуриб битказиш мажбуриятини олдилар. Ҳозиргача биринчи агрегат пойдевори монтаж учун тайёрлаб қўйилди. Ер ости йирик гидротехник иншоотлари барпо этилмоқда. Станциянинг биринчи навбати шу йил охирида саноат учун электр токи бера бошлайди. СУРАТДА: Навоий ГРЭСи қурилишидан икки лавҳа: ўнгда ерости цирководларини монтаж қилиш пайти, юқорида: статорни монтаж қилишга тайёргарлик.

В. Нудлер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

«ОҚ ОЛТИН» КАРВОН-КАРВОН

РЕПОРТАЖ

□ □ □

...Ойша опа агрегатларнинг ишини кузатиб, бўлинмани бир айланиб келганда қуюв машинасидан чиқаётган шоколад мағизларининг қийшайиб кетаётганини кўрди. Дарҳол, бориб, бункердан бир қисм крахмал олди-да, кафтида эзғилаб, ҳўл-қуруқлигини текширди. Крахмалнинг қуруқлиги жойида. Демак, айб энди фақат қайнатмада бўлади. У жадал юриб қўшни хонага чиқди. Ростдан ҳам, бир қозондаги қиём суюлиб кетибди. Бригадир зудлик билан қозоннинг пастки тешигини бекитди-да, боягидай илдам юриб, қолипдан янги чиққан мағизларнинг қотган-қотмаганини билиш учун холодильникдан хабар олди...

Иш яна аввалгидай авжида. Ҳар қайсисига икки юз килограммдан шакар сигадиган қўш қозонда биқирлаб қиём қайнаяпти. Етилган қиём қувур орқали пиширув машинасига оқмоқда. У ерда қиёмга сариёғ, сут ва хушбўй моддалар аралаштирилгандан кейин, насослар ёрдамида қолиплаш машинасига ўтади.

— Тезроқ бўл, Ольга, бу ҳолда «Оқ олтин» карвонларинг узилиб қолади-ку!—Залнинг у бошидан қичқиради Анна Рябкина,—шоколад солинган лотокларни холодильникдан олиб, транспортёрга қўяр экан.

— Қўрқма, ўртоқкон, бу карвон тамом бўладиган карвонлардан эмас. Мана, яна биттаси кетди,— кулиб жавоб беради Ольга Калатинина ҳам ва крахмал тўлдирилган лотоклардан навбатдагисини машина ичига эпчиллик билан киргизиб юборади-да, тезда янгисига тутинади...

Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси конфет цехининг Ойша Рўзматова бошлиқ бригада аъзолари шу кунларда партия XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаяптилар. Бригада шоколад мағизи тайёрлаш тўрт ойлик планини аллақачоноқ бажариб, ҳозир май ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Шу куни бригада «Оқ олтин» шоколадининг мағизини қўйиш билан банд эди. Бўлинмада «Қалдирғоч», «Ўйинчоқ», «Буревестник» «Чио-чио-сан», «Жануб туни» каби ўттизга яқин турдаги шоколад мағзи тайёрланади.

Яқин кунларда харидорлар «Тошкент кечаси», «Янги ер» каби янги, мазали шоколадлар ола бошлайдилар.

Бўлимда ҳамма ишлар механизациялаштирилган. Бу ҳақда бригадир завқ билан сўзлайди:

— Илгарилари 20-30 киши қатор ўтириб олиб, ҳар уяга бирбирлаб қиём томизиб чиқардик. Ахир, ўйлаб қаранг, бир лотокда 150 уя бор. Уларнинг ҳар бирига битталаб қиём қуйиш қанчалик майда иш. Шунинг учун ҳам иш унумининг мазаси йўқ эди. Автомат жоннинг роҳати экан. Бир йўла юз эллик мағизни қуяди-қўяди. Бригадада атиги олти кишимиз-у, шундаям ҳамма ишни бемалол улгуряпмиз. «Карвон»ларни кўряпсизми, кети узилмайди...

«Бу карвон»ларни яратувчиларнинг ишларини томоша қилсангиз, уларга тасанно айтиб, умрингиз шу шоколаддай тотли бўлсин, дегингиз келади.

С. СИЕВ.

ЖАҲОННИ ЗАБТ ЭТГАН ТАЪЛИМОТ

Марксизм-ленинизм таълимоти XIX асрнинг ўрталарида дунёга келди, йиллар ўтиши билан воғга етди ва XX аср бошларида камолот чўққисига кўтарилди. Бу таълимот жаҳон халқларига яқин, қадрли ва муҳтабардир. Бу таълимот халқларнинг қалб овози бўлгани учун, барча меҳнаткашларнинг асрий орзуларини ифодалагани учун ҳамда уларнинг кураш истиқболини белгилаб берганлиги учун ҳам қимматлидир. Инсоният жамиятининг кўп асрлик тарихи бу қадар қудратли, бу қадар ҳаётий таълимотни билмаган. Бу таълимот шу қадар қудратли ва мўъжизакорки, у инсониятни улуғ кашфиётларга илҳомлантиряпти, табиат ва жамиятдаги ҳодисалар сир-асрорини очиш учун одамнинг қўлига калит тутказяпти, инсонга қанот бағишлаб, уни ақл бовар қилмайдиган юксакликларга — космоса олиб чиқяпти. У, чин маънода инсоннинг бошини кўкларга, қўлини юлдуз ва сайёраларга етказяпти.

Марксизм-ленинизм таълимоти эндиликда бутун планетамизни қамраб олди, жаҳонни забт этди. Чунки у чин ҳаёт истаганларни, тенглик, ҳурлик, мустақиллик тилагида яшаганларни оҳанграбодек ўзига тортади.

Уни офтоб нурига қиёс этса бўлур. Чунки у ўз йўлида тўсиқ билмайди. Эрк душманлари, дин аҳллари, капитал бандалари уни бўғиб ташлашга кўп уриндилар. Бироқ уни ҳеч куч маҳв этолмади, аксинча у ёвларга яна ҳам қудратлироқ бўлиб даҳшат солди. Меҳнаткаш халқ бу таълимотни дилга жо қилди, яшаш ва кураш раҳнамоси деб билди.

Уни мангу сўнмас машъалга таққослаш мумкин. Бу машъал яллигига ва шуъласига тоб беролмаганлар уни неча бор ўчиришга жазм этдилар, аммо уларнинг ҳар бир хуружлари беҳуда кетди, бу машъал янада ёруғроқ шуъла сочди. Башариятнинг олий мақсади — коммунизм ғалабаси учун кураш йўлини мудом нурафшон этиб турибди.

Бу қудратли, ҳаётбахш, абадий навқирон таълимотнинг узвий қисми — ленинизм ғоялари жаҳон бўйлаб аллақачоноқ «зафарли юриш» бошлаган. Яқинда давлат снёсий адабиёт нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Ленин асарларининг нашр этилиши ва тарқалиши»[1] деган китобда В. И. Ленин асарларининг Совет Иттифоқида, халқ демократияси мамлакатлари ва капиталистик давлатларда нашр этилиши ва тарқалишига оид мақолалар, ҳужжатлар ва бой материаллар берилган.

* * *

Владимир Ильич Лениндан бизга катта адабий мерос қолган. Улуғ доҳийнинг дастлабки асарлари 1893 йилда ёзилган бўлса, сўнгги асарларига 1923 йил охирларида имзо чекилган. В. И. Ленин ана шу ўттиз йиллик улуғ ижодий фаолияти давомида юзлаб китоб ва брошюралар, минглаб мақола ва мактублар ёзди, съездлар, конференциялар ва кенгашларда докладлар қилди, нутқлар сўзлади. Шуни айтиш кифояки, Владимир Ильичнинг рус тилида босилиб чиққан асарлари ва ҳужжатлари 10 минг номдан ортади. Таржима адабиёти бобида В. И. Ленин асарлари жаҳон миқёсида биринчи ўринни эгаллайди.

Улуғ Октябрь революциясигача В. И. Ленин асарлари зўр машақатлар билан, кўпинча яширин суратда, қисқартиш ва техник нуқсонлар билан нашр этилиб келди. Талай асарлари эса, революциядан кейингина эълон қилинди.

1907 йилда В. И. Ленин асарларининг дастлабки тўпламини 3 том ҳажмида чиқаришга уринди ва бироқ чор ҳукуматининг таъқиб ва тазйиқи туфайли бу тўпламни тўлиқ чиқариш имкони бўлмади.

Октябрь революцияси ғалабасидан кейин кўп ўтмай В. И. Ленин асарларининг тематик тўпламлари чиқа бошлади. Доҳийнинг айрим йирик асарлари оммавий тиражларда нашр этилди. 1920 йилда В. И. Ленин асарларининг 20 томлигини нашр этишга киришилди ва бу иш асосан 1924 йилда тугалланди. 1925 йилда В. И. Ленин асарларининг иккинчи ва учинчи нашрига бир йўла киришилди. 30 томдан иборат бу нашрлар асосан 1932 йилда тугалланди.

РКП(б) XIII съезднинг қарорига мувофиқ 1924 йил май ойида Ленин институти очилди. Институт доҳий асарларини ва унинг биографиясига оид материалларни тўплаш соҳасида қизғин иш бошлади. В. И. Ленин асарларининг II ва III нашри билан бир вақтда Институт «Ленин тўплами» («Ленинский сборник»)ни нашр этишга киришди. Одатда бундай тўпламларга Ленин асарлари нашрига кирмай қолган янги ҳужжат ва асарлар киритилди ва булар қўшимча томларда босилиб чиқди. 1959 йилда «Ленин тўпламлари»нинг XXXVI китоби босилиб чиқди.

Партия Марказий Комитеги 1940 йили Ленин асарларининг янги, тўртинчи нашрини чиқариш ҳақида қарор қабул қилди. Улуғ Ватан урушигача бу нашрнинг 2 томи босмадан чиқди. Тўртинчи нашр асосан 1946-1950 йилларда амалга оширилди.

В. И. Ленин асарларининг 35 томдан иборат 4-нашрининг босилиб чиқиши Коммунистик партия, совет халқлари ва халқаро пролетариатнинг маданий ва ғоявий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг қарори билан В. И. Ленин асарларининг 4-нашрига қўшимча тарзда 36, 37, 38-томлар чиқарилди. Яқинда босилиб чиққан 39-томда Владимир Ильичнинг «Империализм бўйича дафтарлари» эълон қилинган. Тез орада В. И. Ленининг «Аграр масалага доир материаллари»ни ўз ичига олган 40-томи ҳам нашр этилади.

Партия Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ, В. И. Ленин асарларининг 55 томдан иборат тўла тўпламини нашр этишга киришилди. Бу нашр аввалгиларидан тўпламги ва мукаммаллиги билан фарқ қилади. Бунда В. И. Ленин асарларининг тугалланган нусхаларигина эмас, балки уларнинг дастлабки, ҳомаки нусхалари ҳам эълон қилинади.

В. И. Ленин асарларининг 35 томдан иборат 4-нашри қардош республикаларнинг ҳаммасида босиб чиқарилган.

Ҳозир СССР да Ленин асарлари 88 тилда, шу жумладан СССР халқларининг 62 тилида ва чет эл халқларининг 26 тилида нашр этилмоқда. 1917 йилдан 1959 йилгача мамлакатимизда В. И. Ленин асарлари 304 миллион нусхада, жумладан, биргина рус тилида қарийб 230 миллион нусха. СССРнинг бошқа халқлари тилларида 57 миллиондан кўпроқ нусха. СССР даги чет эл халқлари тилида эса салкам 17 миллион нусха босиб чиқарилди.

В. И. Ленининг айрим асарлари жуда катта тиражларда кўп марталаб нашр этилмоқда. Масалан, «Империализм— капитализмнинг юқори босқичидир» асари СССР халқларининг 49 тилида 7 миллиондан ортиқ нусхада салкам 200 марта нашр этилган. «Нима қилмоқ керак?» асари 47 тилда қарийб 7 миллион нусхада 151 марта, «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» 50 тилда салкам 5 миллион нусхада қарийб 135 марта, «Материализм ва эмпириокритицизм» асари 23 тилда 5 миллиондан ортиқ нусхада 100 марта нашр этилган.

Биз асл мақсад — коммунизмга яқинлаша борган сари В. И. Ленин даҳосининг кучи ҳам тобора яққол ва равшан намоён бўлмоқда. **«Ленининг даҳоси,** — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — **бизнинг коммунизм сари йўлимизни ёритиб турибди, бизни бутун инсониятнинг бахт-саодати ва тинчлиги йўлида қаҳрамонликлар кўрсатишга руҳлантирмоқда».**

Китобда В. И. Ленин асарларининг Албания ва Болгарияда, Хитой ва Кореяда, Мўғулистон ва Руминияда, Чехословакия ва Югославияда, шунингдек венгер, немис ва вьетнам тилларида нашр этилиши ва тарқалишига доир тарихий-библиографик очерклар, мақолалар ва маълумотлар берилган.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти қутубхонаси илмий ходимларининг ёзишларича, ҳозирги вақтда В. И. Ленин асарлари жаҳон халқларининг қарийб 110 тилида, жумладан капиталистик мамлакатларда 40 тилда нашр этилмоқда.

Планетамизда В. И. Ленин асарлари, марксизм-ленинизм ғоялари бориб етмаган бирон бурчак қолмаган. Эндиликда ҳамма қитъаларда ер юз миллионлаб одамлар онгида «социализм», «марксизм-ленинизм» тушунчалари улкан иқтисодий ва социал тараққиёт ифодаси, меҳнаткашларнинг бахтиёр ва фаровон турмушининг ифодаси, халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва дўстлик ифодаси бўлиб жаранглямоқда.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1960 йил ноябрдаги Москва Кенгашида қайд этилганидек, коммунистик ҳаракат ўсишинг ҳамма ғалабаларига марксизм-ленинизмга содиқлиги туфайли эришди, бу ҳаракат ленинизм байроғи остида замонамизнинг энг таъсирчан сиёсий кучига айланди. Қўёшин сўндириб бўлмаганидек, марксизм-ленинизм ғояларининг ёйилиб боришини ҳам тўхтатадиган куч йўқ.

«Ленин асарларининг нашр этилиши ва тарқалиши» деган бу китоб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва жаҳон коммунистик ва ишчи ҳаракати гарихини ўрганувчиларга, пропагандист ва агитаторларга, нашриёт, газета ва журнал, шунингдек, кутубхона ходимларига энг яхши қўлланмадир.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика кафедрасининг ўқитувчиси.

[1] **«Издание и распространение произведений В. И. Ленина».** Давлат снёсий адабиёт нашриёти. 1960 й.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

САМАРҚАНД. «Ҳужум» пилакашлик фабрикаси партия ташкилоти сафи етти йиллик илғорлари ҳисобига кенгаймоқда. Яқинда партия бюроси ишлаб чиқариш новатори, актив жамоатчи ишчилардан С. Аҳроқулов, Н. Юсупова, Г. Умерова, Л. Просвировларни партия аъзолигига қабул қилди.

Н. АБДУРАҲМОНОВ.

ЧИРЧИҚ. Шаҳар партия комитети бу йил 41 кишини партия аъзолигига, 61 кишини партия аъзолиги кандидатлигига қабул қилди. Электрокимё комбинати, қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати партия ташкилотлари бу соҳада ибратли ишлар қилдилар.

Т. УРУНОВ.

ЯНГИҚУРҒОН. «Москва» колхози коммунистлари қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини колхоз олдида турган амалий вазифалар билан боғланган ҳолда ўрганмоқдалар. Навбатдаги машғулотда экономист К. Ҳамроев «Комплекс механизациялашган бригадалар экономикаси» деган темада суҳбат ўтказди. Бунда оз меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот олаётган И. Раҳматуллаев, Р. Иброҳимовалар бошлиқ бригадаларнинг ишлаб чиқариш фаолияти анализ қилинди. Райондаги бошқа колхозларда ҳам машғулотлар юқори савияда ўтмоқда.

Д. ДУСТМАТОВ.

БОЙСУН. Район партия комитетида бўлиб ўтган семинарда райком секретари С. Хўжақуловнинг деворий газеталарнинг таъсирчанлигини оширишга бағишланган доклади тингланди. Деворий газеталарнинг редакторлари М. Болтаев, П. Тошқулов, Ш. Саидов, М. Бўриева ўртоқлар мухбирлар активи билан ишлаш тажрибаларини сўзлаб бердилар.

М. НОРМАМАТОВ.

КОНТРОЛЁРСИЗ КИНОТЕАТР

Тошкентдаги «Комсомол 30 йиллиги» кинотеатри ҳамиша гавжум бўлади. Бу ердаги шинам ўқишхона, буфет, дам олиш хоналари томошабинларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун хизматда.

1 Майдан бошлаб кинотеатр контролёрсиз ишлашга кўчди. Кассадан билет олган томошабин залга кириш олдидан билет контролини йиртиб, махсус яшикка ташлаб-да томоша залига ўтади.

—Контролёрсиз ишлашга кўчиш,— дейди кинотеатр директори ўртоқ А. Оқилов,— томошабинларга ҳам, кинотеатр маъмуриятига ҳам катта қулайлик туғдирди. Кассалар олдида навбат кутиш йўқолди. Чунки собиқ 3 контролёр корхона ва муассасаларга бориб билетларни олдиндан етказиб бериш иши билан шуғулланяпти. Бу эса ишчи ва хизматчиларнинг коллетив бўлиб кинофильмлар кўришларини таъминлайди.

Кинотеатрга ҳар кун икки ярим мингга яқин томошабин келиб фильмлар кўради. Кинотеатр коллективи 4 ойлик планни 28 апреледаёқ бажарди.

З. ЮНУСОВ.

У. ҲОШИМОВ.

НУҚСОНЛАР ТЕЗРОҚ БАРТАРАФ ҚИЛИНСИН!

Демократ шоиримиз Маҳмур «Ҳапалак» шеърида революциядан аввалги Фарғона қишлоқларидан бирининг аянчли қиёфасини дарду алам билан чизган эди. Ҳозир Фарғона яқинидаги Киргили қишлоғини кўрган шоирнинг илҳоми баҳор дарёларидай тошмай ложи йўқ. Бу ерда нефтчиларнинг шинам шаҳарчаси барпо этилди. Ленин номли теплоэлектроцентраль, бетон буюмлари заводи қад кўтарди.

Бу ерда қурилаётган азот-ўғит заводи ҳам шаҳарчанинг ҳуснига ҳусн бўлиб тушмоқда.

5-қурилиш-монтаж бошқармаси ва кўпгина ёрдамчи пудрат ташкилотлари қурувчилари жадал ишламоқдалар. Улар КПСС XXII съезди очилиши кунигача катта кимё корхонасининг биринчи навбатини ишга туширишга аҳд қилишган.

Лекин ички резервлардан тўла-тўкис фойдаланилса, механизацияга кенг йўл очиб берилса, меҳнат унумдорлиги ошиб, қурилиш яна ҳам тезлашган бўларди. Қурилиш-монтаж бошқармаси ишидаги асосий нуқсонлардан бири — баъзи объектларнинг лойиҳасиз қурилаётганлигидадир. Лойиҳасиз йиғлаш — мавжуд моддий-техника имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслиққа, объектларни қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминламаслиққа сабаб бўляпти.

Оқибатда меҳнат унумдорлиги ўсмаяпти. Биринчи кварталда шу соҳадаги топшириқ 92,5 процент бажарилди, холос. Қурилиш-монтаж бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Мурод Ғуразаев) раҳбарлари меҳнат унумдорлигини ошириш чораларини фурсат ўтказмай кўришлари зарур.

Етарли имкониятлар бўлишига қарамасдан, қурилиш ишлари фақат бир сменада олиб бориляпти. Шунинг учун ёрдамчи пудрат ташкилотлари ҳам тўла қувват билан ишлаётгани йўқ.

Бажарилаётган ишлар устидан техника назорати яхши ўрнатилмагани натижасида баъзи ишлар сифатсиз бажарилмоқда. Азот кислотаси цехида нуқсонлар айниқса кўп.

Завод дирекцияси қурилишга техникавий ҳужжатларни ўз вақтида етказиб бермаётир. Ускуналар омбори, заводни ичитиш ва ташқи канализация объектларини қуриш лойиҳаси ҳали ҳам тайёрланмаган. Қурилиш зарур материалларга муҳтож бўлиб турган шу кунларда нўноқ таъминотчилар типи ҳам, маркази ҳам мутлақо тўғри келмайдиган қаёлларни ҳам ташлашди.

Қурилиш ишларини ташкил этишда ҳам, моддий-техника таъминотида ҳам тубдан ўзгариш ясалмаса, республика катта кимёсининг муҳим корхонаси ўз вақтида ишга тушмай қолиши мумкин.

Н. ЭРБОЛАЕВ,

«Қизил Ўзбекистон» газетаси мухбирлар постининг аъзоси,

И. ТУХТАСИНОВ,

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ГАЗ ҚУВУРИ УРАЛГА ЙЎЛ ОЛДИ

ГАЗЛИ. (ЎзТАГ). Қувурчилар жаҳонда энг йирик — Газли-Урал газ қувури трассасига дастлабки трубаларни келтирдилар. Бу билан қурилиш ишининг дастлабки— Қизилқум участкасида «зангори» ёнилғи гигант магистралини барпо этишга асос солинди.

«Нефтпроводмонтаж» трести тўққизинчи ихтисослаштирилган бошқармасининг бош инженери И. Ф. Коблов ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни маълум қилди:

— Коллективимиз монтажчиларининг трассага чиқиши билан бойлиқ бўлган асосий тайёргарлик ишларини жуда қисқа вақт ичида бажарди. Саноат базасида улкан трубаларни ярим автомат усулида пайвандлаш йўлга қўйилди. Станокларни реконструкция қилишни ўз кучларимиз билан бажардик. Мана, пайвандланган трубалар трассада турибди. Бир неча кундан кейин бу ерга пайвандловчилар бригадаси йўл олади.

Иш планида саҳрода қурувчилар учун иккита кўчма шаҳарча барпо этиш кўзда тутилган. Бу шаҳарчалардан бири Газлидан йўл олади, иккинчиси эса кўчма кўм барханларининг чегараси — 56-пикетдан йўлга чиқади.

Ҳозирча биз Свердловск томон дастлабки газ қувурларини қура бошлаймиз. Бироқ кўчма қум барханлари зонаси айни бир вақтда Челябинск газ қувури ҳам қурила бошланади.

Коллектив ўртасида партия XXII съезди шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақа кучимизга-куч қўшмоқда.

Колхозларда лекторлар группалари

ПАХТАКОР. (Самарқанд области). «Ленинчи чорвадор» колхози марказий клубида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари ҳақида лекция бўлди. Лектор — колхоз зоотехниги Равшан Бегматов қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш вазифалари ҳақида сўзлаб берди.

*Колхоз лекторлар группаси қишлоқ зиёлилари вакилларидан ва колхоз ишлаб чиқаришининг илғорларидан 30 кишини уюштиради. Уларнинг ҳар қайсиси КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари ҳақида ҳозирдаёқ бир нечтадан суҳбат ўтказдилар ва лекциялар ўқидилар. Бош чўпон Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсун Буматовнинг «Зоотехника фани ютуқлари ҳамда чорвачиликда илғор тажрибаларни ишлаб чиқ

Чўчқачиликка кенг йўл

(Боши биринчи бетда).

Н. Бабич илғорлар тажрибасини ўрганиб ва энг янги зоотехника қоидаларини жорий қилиб, ўтган йили ҳар бир асосий урғочи чўчқадан 35 тадан бола олишга ва ҳаммасини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Бу — ваъда қилинганидан 10 бош кўпдир. Бу йил колхозда ҳар бир асосий урғочи чўчқадан камида 37 тадан бола олиш, ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 50 центнердан гўшт етиштириш, шу жумладан 34 центнердан чўчқа гўшти етиштириш учун курашилмоқда.

Хўжаликда бу муваффақиятларга чўчқаларни катта группаларга ажратиб боқиш, турли наслдаги чўчқаларни бир-бирига урчитишни яхши ташкил этиш йўли билан эришилмоқда. Турли наслдаги чўчқаларни бир-бирига урчитиш йўли билан олинган чўчқа болалари жуда бақувват ва яшавчандир. Бундай чўчқа болалари бўрдоқига боқилса, жуда тез семиради. бошқа чўчқа болаларига нисбатан бир кеча-кундузда 80-120 грамм кўп ўсади.

Нотиқнинг илғорлар — машъаллар ўз тажрибаларини бошқаларга ўргатиш билан бирга колоқ фермаларни ҳам оталикка олишлари керак, деган сўзи кенгаш қатнашчилари томонидан якдиллик билан маъқулланди.

Кенгаш қатнашчилари — Беруний номли совхознинг чўчқабоқари **Э. Йўлдошев**, «Совой» совхозининг чўчқабоқари **А. Қозоқбоев**, Охунбобоев районидаги Охунбобоев номли колхознинг чўчқабоқари **Е. М. Яроцкая**, «Ҳазорбог» совхозининг чўчқабоқари **В. С. Мазуренко**, **Ромитан** районидаги Сталин номли колхознинг чўчқабоқари **М. П. Казанина**, «Бўка» совхозининг чўчқабоқари **Н. И. Иовлев**, «Главзаготскотоотком»нинг Андижондаги молларни бўрдоқига боқиш базасининг ходими **Е. С. Воеводина**, «Партия XXI съезди» совхозининг чўчқабоқари **С. Муҳиддинов**, «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг чўчқабоқари **Р. Султонов** ўртоқлар ва бошқа кўпгина новаторлар бирин-кетин минбарга чиқадилар. Улар ҳамма ишда ҳам муваффақиятни яхши танланган кадрлар ҳал қилади, дедилар. Кейинги вақтларда ўрта маълумотга эга бўлган ёшлар фермаларга кўплаб кела бошладилар. Лекин бу ҳали оз. Комсомолларни жамоат чорвачилигининг чўчқачилик каби муҳим тармоғида ишлашга дадилроқ даъват этиш керак.

МОЛ ТУЕҒИНИ КЎПАЙТИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ИШ

Кенгашда кўпгина районлар ва областларда чўчқачилик ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, бу муҳим иш билан етарли шуғулланилмаётгани қайд қилинди. 483 колхоз ва 18 совхозда чўчқалар 100-200 тадан ошмайди. Бу — етарли эмас, албатта. Гўштни кўп етиштириш учун моллар туёғини ошириш, уларнинг наслини яхшилаш, наслчилик ишларини яхши йўлга қўйиш талаб этилади. Ана шу йўл билангина бу йил гўшт етиштириш кўпайтириш ва давлатга бир неча ўн минг тонна чўчқа гўшти сотиш, бундан кейинги йилларда эса бу кўрсаткични бир ярим баравар ва ундан ҳам кўпроқ ошириш мумкин.

Тажриба колхозлараро чўчқачилик фермаларини ташкил қилиш — жуда фойдали ва истиқболли иш эканлигини яққол кўрсатди. Бундай бирлашмани кооператив йўли билан ташкил қилиш даставвал Андижон областида бошланди. Ҳозир колхозлараро фермалар бошқа областларда ҳам ташкил этилмоқда.

Ўйчидаги колхозлараро чўчқачилик базасининг директори **И. И. Шурок** ана шундай хўжаликларда чўчқаларни катта группаларга ажратиб боқишнинг афзалликлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Бу ерда кўпгина ишлар механизациялаштирилган, чўчқаларни боқишнинг илғор усуллари қўлланилмоқда. Натижада ҳар бир центнер гўшт етиштиришга фақат 5.3 озуқа бирлиги сарфланяпти, ҳолбуки колхозларда илгари бир центнер чўчқа гўшти етиштириш учун 12-15 озуқа бирлиги сарфланар эди. Ҳар бир чўчқанинг бир кеча-кундузда 600 грамм ва ундан ҳам кўпроқ семиришига эришилмоқда. Чўчқаларни бир килограмм семиртириш учун 53 тийин — илгаригига нисбатан уч баравар кам пул сарфланаётир.

Совхозларда чўчқачиликни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар бор. Кейгаш қатнашчилари Самарқанд областидаги 8-совхоз директори **Н. Ф. Разиннинг** нутқини тинглаб, бунга ишонч ҳосил қилдилар. Ўтган йили бу ерда подадаги чўчқалар 9 мингтага етказилди, бу йил эса 14 минг бош бўлади. Давлатга топширилаётган ҳамма гўштнинг 88 процентга яқинини чўчқа гўшти ташкил этади. Бундай юқори кўрсаткичларга бир марта болалайдиган чўчқаларни кўпайтириш йўли билан эришилмоқда. Хўжаликдаги ҳар бир асосий урғочи чўчқа ҳисобига тўрттадан бир марта болалайдиган чўчқа боқилмоқда. Ҳолбуки, республикадаги кўпчилик колхоз ва совхозларда бир марта болалайдиган чўчқа ҳар бир асосий урғочи чўчқа ҳисобига бир-иккитадан ошмайди.

Совхозда чўчқа болаларини парвариш қилиш ва уларни бўрдоқига боқиш яхши ташкил қилинганлиги натижасида 1960 йилдаёқ ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 52.4 центнердан гўшт, бошқа қолган ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 14.5 центнердан гўшт етиштиришга муваффақ бўлинди. Бу йил ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 63,1 центнердан, колган бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 17.3 центнердан гўшт етиштириш вазифаси қўйилди. Совхоз чўчқаларни сунъий кочириш усулини республликада биринчи бўлиб қўлланди. Илмий ташкилотлар ва тажрибакорлар олган маълумотлар бу усулнинг жуда катта афзалликка эга эканлигини кўрсатди.

1- «Ғаллаорол» совхозида чўчқачиликни ривожлантириш соҳасида қилинган катта ишлар диққатга сазовордир. Бу совхоз директори — **Ф. Мамонтов** кейинги тўрт йил мобайнида хўжаликда чўчқалар тўрт баравардан зиёдроқ кўпайганлигини айтди. Бу йил подадаги чўчқалар камида 22 мингтага етказилади, давлатга 6500 центнерга яқин чўчқа гўшти етказиб берилади. Бу эса совхоз давлатга топширадиган ҳамма гўштнинг 65 процентини ташкил этади.

Ўртоқ Мамонтов чўчқаларнинг оғир касалликларини йўқотиш соҳасида хўжаликда кўп ишлар қилинганини айтиб берди. Жумладан, ринит каби юқумли касаллик тугатилди. Ферма ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш системаси ишлаб чиқилди, бу эса чўчқалардан кўп бола олиш ва ҳаммасини сақлаб қолиш имкониятини бермоқда. Ҳозир совхозда чўчқалардан олинаётган чўчқа болалари хўжаликнинг ўзинигина таъминлаб қолмасдан, қўшни хўжаликларга ҳам камида 4 минг бош урчитилган ёш урғочи чўчқа ва 4-5 минг бошга яқин чўчқа боласи бериш имкониятини беради.

ҲАР БИР ЧЎЧҚАБОҚАР МЕХАНИЗАТОР БЎЛСИН

Фермалардаги ишларни механизациялаш ҳозирги шароитда жуда катта аҳамиятга эгадир. Бусиз кўп миқдорда арзон гўшт етиштириб бўлмайди. Озуқа тайёрлаш ва уни молларга етказиб бериш, молларни суғориш, биноларни тозалаш ишларини механизациялаш йўли билан чўчқабоқарнинг бир ўзи 800-1000 бош чўчқани боқишга улгураётганини кўрсатувчи кўпгина мисоллар бор. Республикамизнинг машҳур чўчқабоқари Жўра Султонов ишлаётган Самарқанддаги 1- наслчилик совхозининг фермасига борган киши буни яққол кўра олади.

Кўп чўчқабоқарлар илғорлардан намуна олиб механизаторликни ўрганмоқдалар ва машинани эгаллашмоқдалар. Кенгашда сўзга чиққан кўп ўртоқлар бу ташаббусни якдиллик билан маъқулладилар ва колхоз ҳамда совхозларнинг чўчқабоқарлари ўртасида механизатор бўлиш учун кураш оммавий тус олсин, деган истакни билдирдилар.

Фаргона районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг чўчқабоқари **А. Яseлева**, Калинин районидаги Охунбобоев номли колхознинг чўчқабоқари **И. Ф. Токарев**, «Қўқон» совхозининг чўчқабоқари **Г. Острастин**, 4- «Вревский» совхозининг чўчқабоқари **Р. Усейнов** ва бошқалар чўчқачилик фермаларини механизациялашга ҳали ҳам етарли эътибор берилмаётганини кўрсатиб ўтдилар. Ҳолбуки, фермадаги ишларни механизациялаш чўчқабоқарларнинг меҳнатини анча енгиллаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини бир неча бор қисқартириш имкониятини беради.

Бир қатор хўжаликларда озуқаларни майдалайдиган ДКУ машинаси бор. Бу машина билан ажойиб юқори сифатли озуқа — беда уни тайёрлаш, кунжарани майдалаш, ғўза пўчоғини янчиш, ун тортиш мумкин. Афсуски, озуқа майдалагичлардан кенг фойдаланишга етарли эътибор қилинмаяпти. Яқинда ташкил этилган «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари чўчқачилик фермаларидаги ишларни механизациялаш билан яқиндан шуғулланиши керак.

Самарқанд областидаги 8- совхознинг чўчқабоқарнинг ишларини механизациялаш соҳасидаги ташаббуси кенгаш қатнашчилари томонидан жуда маъқулланди. Бу ерда самокормушкалардан, автопоилкалардан, озуқа тайёрлайдиган, лавлагини майдалайдиган машиналардан кенг фойдаланилмоқда, фермада чўчқаларни чўмилтириш учун махсус жиҳозлар ўрнатилган. Озуқалар тракторларда ташиб келтирилади ва механизмлар ёрдами билан туширилади. Биноларни сув билан тозаланади. Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларига қараганда, ҳамма иш жараёнларини механизациялаш ҳар бир чўчқабоқарга 1500-2000 бош чўчқани бемалол парвариш қилиш имкониятини беради.

1-«Боёвут» совхозининг чўчқабоқари **П. И. Жуковский** айтдики, чўчқалар бедапояларда «электр подачи» усулида ёйиб боқилмоқда. Тажриба шуни кўрсатдики, «электр подачи» 5-6 чорвадорни чўчқа боқишдан озод этади. Нотиқ бошқа колхоз ва совхозларда ҳам бундай жиҳозни ўрнатишни тавсия этди.

Кенгашда фермаларни чорвачилик бинолари билан таъминлаш масаласи ҳар тарафлама муҳокама қилинди. Ҳамма областларда ҳам чўчқалар учун енгил типда арзон бинолар қуриш имконияти бор. Тажриба шуни кўрсатдики, бундай бинолар чўчқаларни парвариш қилиш учун жуда қулайдир. Бироқ мутахассислар бу ишни жуда сусткашлик билан ўрганмоқдалар ва етарли даражада пропаганда қилмаётирлар. Шуни қайд қилиш керакки, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу соҳада ташаббус ва қатъият кўрсатмаётирлар, бунинг учун бериладиган кредитдан фойдаланмаётирлар. Бундай бегамликка эндиликда тоқат қилиб бўлмайди. Чўчқаларни парвариш қилиш учун зарур шарт-шароит яратилгандагина унинг қисқа вақт ичида кескин равишда кўпайишига ва арзон гўштни кўпроқ етиштиришга эришиш мумкин.

РЕЗЕРВЛАРНИНГ ЧЕГАРАСИ ЙЎҚ

Мустаҳкам ем-хашак базасига эга бўлмасдан туриб чўчқачиликни янада ривожлантириб бўлмайди. Кенгашда сўзга чиққан ҳамма нотиқларнинг сўзида ана шу нарса қайд қилинди. Озуқабоп экинлар — қанд лавлаги, беда, хашаки тарвуз, хашаки қовоқ, арпа экиш учун ер ажратиш имконияти бўлмаган битта ҳам колхоз ва совхоз йўқ.

Чўчқаларнинг озуқа рационида маккажўхори катта ўринни эгаллайди. Шунинг учун бу йил «дала маликаси»га алоҳида эътибор бериш керак. Чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини, шу жумладан чўчқачиликни етарли озуқа билан таъминлашдан ташқари ҳар эҳтимолга қарши ем-хашак запасига ҳам эга бўлиш учун маккажўхоридан бир йилда икки марта ҳосил олиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун ҳамма областларда, ҳатто Хоразм области ва Қорақалпоғистонда ҳам катта имкониятлар бор.

Озиқ-овқат чиқиндилари чўчқаларнинг озуқа базасини кенгайтиришда жуда катта резервдир. Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа йирик шаҳарларда ҳамда республиканинг аҳоли яшайдиган пунктларида озиқ-овқат чиқиндилари кўп миқдорда топилади. Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг младший илмий ходими **А. Д. Недялков** ўз сўзини ана шу масалага қаратди. У яқинда Тбилисидан узоқ бўлмаган ихтисослаштирилган бир совхозда чўчқаларни озиқ-овқат чиқиндилари билан боқишни ташкил этишни ўрганди.

Тбилисининг, Новосибирскнинг ва бошқа саноат марказларининг тажрибаси, деди шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг чорвачилик бўлими бошлиғи **А. Ш. Шахобов**, Тошкентда қўлланилмоқда. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг чўчқаларни бўрдоқига боқадиган хўжаликлари озиқ-овқат чиқиндиларидан яхши фойдаланиб, чўчқаларнинг тез семиришига эришмоқдалар. Ўтган йили бу ерда 4700 центнердан кўпроқ чўчқа гўшти етиштирилди. Гўшт етиштиришни кўпайтириш мақсадида яқинда Тошкент атрофида ихтисослаштирилган йирик совхоз ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Кенгашда ҳозирча етарли фойдаланилмаётган бошқа резервлар — тери орасига юбориладиган препаратлар ва антибиотиклар ҳақида ҳам гапирилди. Республика ветеринария лабораториясининг директори **Ф. Ф. Пергат** ва бошқа нотиқлар чўчқаларни бўрдоқига боқишда бундай препаратлардан фойдаланиш чўчқаларнинг бир кеча-кундузда семиришини 10-20 процент ва ундан ҳам кўпроқ ошириш учун шароит яратишини айтди. Зоотехника ва ветеринарил ходимларининг вазифаси—фермаларда янги препаратлардан кенг фойдаланишга эришишдан иборат. Бундай препаратлар ҳозир кўпгина областларда тайёрланмоқда. Яқин кунларда биостимуляторлар ҳам гўшт саноати корхоналарида ишлаб чиқарила бошланади. Шундай қилиб, ҳамма чўчқачилик хўжаликлари самарали препаратлар билан тўла таъминланади.

Охунбобоев районидаги Охунбобоев номли колхоз чўчқабоқари Е. М. Яроцкаянинг тажрибаси ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга сазовордир. У чўчқачилик фермасида мавжуд резервлардан моҳирлик билан фойдаланмоқда. Ўртоқ Яроцкая ўз фермасида курка боқмоқда. Бунинг учун у махсус дон олмайди, дон талаб қилинмайди ҳам. Куркалар ем-хашак чиқиндилари билан боқилмоқда. Бундай чиқиндилар фермада доим етарли бўлади. Екатерина Мартиновна чўчқа гўштини кўп миқдорда етиштириш билан бирга ўтган йили деярли ҳеч нарса харажат қилмасдан туриб 1 тонна курка гўшти олди. У бу йил 200 та курка боқиш ва улардан 2 тоннадан кўпроқ гўшт етиштиришга сўз берди. Ўртоқ Яроцкаянинг тажрибасидан бошқа хўжаликларда фойдаланиш мумкин эмасми, ахир.

Чўчқабоқарларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги масала ҳозирги шароитда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кенгаш қатнашчилари алоҳида таъқидладилар. Уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, рағбатлантиришнинг тўғри системасини ишлаб чиқиш керак. Кимки кўпроқ ва яхшироқ ишлаётган бўлса, кўпроқ гўшт етиштирилишини таъминлаётган бўлса, у кўпроқ ҳақ олиши керак. Кишиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш —чўчқачиликни янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган омилдир.

Кенгашда республикадаги барча чўчқабоқарларга қарата мурожаат қабул қилинди.

Б. БАНДУРКИН, О. ПАНОВА
(ЎзТАГ мухбирлари).

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

„ҚИЗЛАР, ЧОПИҚ ТРАКТОРЛАРИГА!“

АНДИЖОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ўтган йили областда 222 қиз пахтани машиналарда терган эди. Андижонда турсунойчилар ҳаракатининг ташаббускори чинободлик Эътиборхон Набиева бўлди. У ўнинчи синфни тугатаётган йили РТС да механизаторлик касбини ҳам эгаллаб, машина бункеридан 213 тонна «оқ олтин» тўкди. Комсомол тарбиялаган ватанпарвар қиз бу йил яна ажойиб ташаббус бошлаб берди.

—Қизлар, чопиқ тракторларига!—деди у.—Фақат пахта гериш машиналарингигина эмас, деҳқончилик техникасининг ҳаммасини ҳам бошқаришни ўрганайлик!

Эътиборхоннинг ташаббуси бутун областда қизғин қўллаб-қувватланди. Уч юздан ортиқ аёл РТСлардаги механизация курсларига ўқишга кирди, амалий машғулотлар даврида квадрат-уллаб чигит экди. Агрегатлардан бирини Эътиборхон Набиева ўз дугонаси Тошхон Махмудова билан биргаликда бошқарди. Улар Чинобод районидаги «Ленинград» колхозининг коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган Анвар Воҳидов бригадасида чигит экдилар.

...Мана, уларнинг даласи. Ғўзалар кўм-кўк бўлиб бўй чўзмоқда. Қорачадан келган, ўрта бўйли, қотмагина қиз чопиқ тракторини гуруллатиб келмоқда. Бу хуштабассум қиз—донгдор механизатор Эътиборхон Набиева. Унинг ҳақида кўп газеталар ёзган. Эътиборхоннинг сурати бултур кузда «Известия»да чиққандан кейин Иттифоқимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан, чет эллардан жуда кўп хат ва телеграммалар олди.

Комсомол-ёшларнинг комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадаси партия Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларидан руҳланиб қандай ишлаётгани ҳақида Эътиборхон қисқагина сўзлаб берди.

— Йўлнинг икки томонидаги мана шу карталар бригадамизга қарашли,—деди у.—110 гектар. Кетмон ишлатмасдан 45 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Дала ишларидаги бутун оғирликни машиналарга юклаганмиз. Ҳар центнер пахтанинг таннарҳи 12 сўмдан ошмайди. Колхоз правленниеси Тошхонга ҳам, менга ҳам «ХВС-1,2» машиналари олиб берди. Дугонам иккимиз 500 тонна пахтани машинада териб берамиз. Ҳозир «ДТ-24» тракторида ҳар куни 6-8 гектардан ердаги ғўзани культивация қиляпмиз.

— Яна икки қизимиз механизатор бўляпти,—дейди правление раиси Абдусамат Қўлдошев.—Бири — Дилором Нурматова. У ҳозир ўнинчида ўқиб. мактаб ўқувчиларининг шу колхоздаги пахтачилик бригадасига бошчилик қилаётир. Иккинчиси—Ҳалимахон Абдуллаева. У кечки мактабнинг ўнинчи синфини тугаллаяпти. Улар ҳам пахтани машинада термоқчи. Ҳозир иккала қиз ҳам чопиқ тракторларини бошқариб, ғўза парваришида ёрдамлашмоқдалар.

Чинобод РТСида 1960 йили фақат уч қиз механизаторлик касбини эгаллаган бўлса, бу йил районда 22 қиз механизатор бўлиб етишди. Андижон областида бу йил яна 300 дан ортиқ хотин-қиз механизаторлар сафига қўшилади.

Н. ҲАКИМОВ.

САМАРҚАНД ЮЛДУЗЛАРИ

АЖОЙИБ РАҚАМЛАР

Совет ҳокимияти йилларида область саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти беқиёс ўсди. Ҳозир бир ҳафта мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот революциядан олдинги даврнинг бутун бир йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотга тенг келади.

Энг катта муваффақият — асрлар бўйи чордевор ичида эзилиб келган хотин-қизлар ҳаётнинг ойдин йўлига чиқиб, бахтли турмуш кечираётганидир. Ҳозир областда 120 минг қиз-жувон ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Шундан 15 минг киши саноат ва қурилишда, транспортда ишчи, мастер, инженер, техник бўлиб ишлаяпти. 17 аёл корхоналарнинг командирларидир.

Аёллар қишлоқ хўжалигида катта куч. 9 колхозга хотин-қизлар раислик қилишяпти. 1.000 дан ошиқ аёл ферма мудири, бригадир, звено бошлиғи, экономист.

Халққа намунали хизмат қилишда ном чиқарган 7 аёл Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди. 6 мингдан ошиқ хотин-қиз маҳаллий Советларнинг депутати. Аёллар ичида таниқли олимлар, врачлар, агрономлар кўп. Савдо гармоқлари ходимларининг кўпчилиги хотин-қизлардир.

Областда меҳнат фронтининг паҳлавони дейишга арзийдиган хотин-қизларнинг ҳаммасини номнаном айтиб тугатиш қийин. Мана, улардан бир қанчаси:

ҚАҲРАМОН РАИСА

Раҳима Исломова ёшлигиданоқ ўткир зеҳни эди. Ундаги ажойиб ҳислатларни комсомол ўз вақтида пайқади. Раҳима қатор йиллар давомида комсомол ёшларга раҳбарлик қилди, сўнгра қишлоқ Советининг раиси бўлиб ишлади.

Каттақўрғоннинг ҳозирги Крупская номли колхози урушдан кейинги йилларда анча қолоқ эди. Колхозчилар катта умид ва истаклар билан Раҳимани раис қилиб сайлашди. Шундан буён 15 йил ўтди. Ҳозир бу хўжалик райондагина эмас, областда ҳам пешқадам. Колхоз хўжалиги юксалаётир. Колхозда Эрка Нурхонова, Шаҳрия Раҳматова, Зулайхо Ҳомидова сингари пахта усталари етишиб чиқди. Колхоз қишлоғи таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Қишлоқ меҳнаткашлари Раҳимага юксак ишонч билдириб, уни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати қилиб сайладилар. Иттифоқ ҳукумати унинг меҳнатини юксак тақдирлади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди. Раҳима Исломова — илғор тажрибаларнинг ташиси жарчиси. У ҳозир дала юлдузлари билан бамаслаҳат КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорини тезроқ бажариш режалари устида сидқидил меҳнат қилмоқда. Колхознинг бу йилги мажбуриятида пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 3 центнер кўтариш, чорвачилик маҳсулотларининг мўл-кўллигини таъминлаш, таннархини арзонлаштириш тадбирлари кўрсатилган.

ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

Бундан бир неча йил аввал Ўктам Ваҳобова студент эди. У медицина фанини чуқур эгаллаш, Ватан бойлиги — халқимиз саломатлигини кўз қорачиғидек асрашга хизмат этиш ниятн билан ўқиди. Самарқанд медицина институтини эзло баҳолар билан тугатиб, аспирантурани ҳам муваффақиятли тамомлади. Ҳозир Ўктам Ваҳобова медицина фанлари кандидати, кўзга кўринган терапевт.

У нажот излаб келган беморнинг дардига малҳам топиш учун кучи ва қувватини, вақтини, билимини сира аямайди.

Ўктам Ваҳобова СССР Олий Советининг депутати сифатида жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда. Хусусан, у шаҳар ободончилигининг жонкуяри. Ваҳобовага бирон масала билан мурожаат қилган киши албатта тўла жавоб, қаноатланарли натижа билан қайтади.

ПАРТКОМ СЕКРЕТАРИ

Самарқанд Давлат университетида тарих фанлари кандидати Фотима Ҳайдаровани ҳамма ҳурмат қилади. Фотимахон ёш бўлса ҳам кўпларга бош. У университет партия комитетининг секретари. Сўнгги пайтларда ҳамма факультетларда ўқув-тарбия ишларининг сифати бирмунча яхшиланди. студентларнинг, айниқса хотин-қизларнинг ўқиши ва турмуш шароитини янада яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Хотин-қизлар советининг фаолияти яхшиланди, физкультура-спорт ишлари ривожланди.

Мана шу ютуқларнинг ҳаммасида Фотима Ҳайдарованинг ҳам улуши бор.

ТУРСУНОЙ ИЗДОШЛАРИ

Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози пахта ҳосилининг 80 процентини машиналар билан териб олди. Давлатга сотилган пахтанинг учдан икки қисми қоп-қанорсиз ташилди. Колхознинг механизация туфайли олган даромади 200 минг сўмдан ошади. Колхозчилар техника инсоннинг чин дўсти эканини ўз тажрибаларида синадилар.

Колхозда Турсуной Охунова изидан бориб, пўлат отларни ўз амрига бўйсундирган икки дугона — Муҳаррам Пардаева ва Матлуба Назарова пахтакорларнинг зўр ҳурматини козонган. Уларнинг ҳар бири 200 тоннадан ошириб «оқ олтин» терди.

Дугоналар моҳир деҳқондирлар. Ҳозир колхозда ғўза парвариши қизғин бораяпти. Пахтакорлар 90 процент майдонга чигитни квадратуялаб экишди. Энди дала ишларининг ҳаммасини механизмлар билан бажариш мўлжалланмоқда. Мана шу юмушларнинг ҳаммасида икки дугонанинг ҳиссаси бор.

МЕҲРИБОН УСТОЗ

Ойкарам Умарова «Ҳужум» фабрикасига келганида ёшгина қиз эди. Шундан бери 30 йил ўтди. Ойкарам опа ишбиларман мастер бўлиб етишди. Бир неча бор Самарқанд шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. Ҳозир ҳам у—халқ вакили.

Ойкарам опа ёшларга меҳрибон. Фабрикада Ойкарам Умарованинг таълим олмаган, унинг маслаҳатини олиб камол топмаган кишини топиш қийин. Ҳа. Ойкарам Умарова совет аёлига хос яхши фазилатлар эгаси.

ЗАВОД ИФТИХОРИ

Самарқанд суперфосфат заводи пешқадам корхона. Завод коллективи ернинг қони-жони ҳисобланган минерал ўғитни мўл ишлаб чиқариб деҳқонларга катта ёрдам кўрсатиш туйғуси билан меҳнат қилаётир. Коллективнинг қурашида ўзбек қизи инженер Раъно Ҳамидованинг ҳам меҳнат ҳиссаси бор. Раънохон ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштириш, техника прогрессига кенг йўл очиш мусобақасининг олдинги сафида бораяпти. У — талантли рационализатор ҳам. «Раъно Ҳамидовадек мутахассисларимиз заводнинг ифтихоридир. Биз уларга суяниб, йиллик планни муддатидан илгари бажаришга эришамиз», дейди завод директори В. Н. Ерофеев.

М. НАВРЎЗОВ.

Ҳар тўғрида бир шингил

⊙ **Ҳикмат Бердиева ҳар сигирдан бу йил ҳозиргача 850 килограммдан сут согиб олди.** У, Самарқанд районидаги Киров номли колхоз сут согувчилари мусобақасида пешқадамдир.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ.

⊙ Қулмат Шамсиев қорақўл қўзиларнинг терисини ҳеч зарар етказмай ажратади. Қарши районидаги «Нишон» совхозида бундай моҳир ишчилар кўп. Совхоз ҳозиргача **19 минг донадан кўпроқ сифатли қорақўл тери топширди.**

Х. ҒУЛОМОВ.

⊙ Шеробод районидаги Киров номли колхознинг **Бўрон Тўраев бошлиқ бригадаси 30 гектар ерда ковун-тарвуз етиштирмоқда.** Экинлар сифатли парвариш қилиняпти.

З. МУҲАММАДИЕВ.

⊙ **Гектаридан 1000 центнердан кўпроқ** етиштиришга бел боғлаган Ҳошимжон Мўминов бошлиқ маккажўхорикор бригада аъзолари яшил квадратлар ҳосил қилдилар. Сталин районидаги Охунбобоев номли колхознинг бу бригадасида **маккажўхори озиқлантирилмоқда.**

М. РАҲМОНОВ.

⊙ Самарқанд районидаги Ленин номли колхозда **гектаридан 500 центнердан сабзавот етиштириш учун бошланган мусобақа кенг тус олди.** Ҳ. Узоқов, А. Халилов, С. Нарзуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда сабзавот экинлари ва картошка яхши авж олмоқда.

Б. ИМОМОВ.

⊙ Биринчи квартада 22 ўрнига 24,5 тонна гўшт етказиб берган Нуъмонжон Қўрғонов яна 8 тонна гўшт топширди. Бағдод районидаги Калинин номли колхоз чорвадори ўртоқ Қўрғонов сўқимга қўйилган **молларни яхши боқиб, вазнини 350-400 килограммга етказмоқда.**

А. РАҲМОНОВ.

⊙ Чуст районидаги 17-мактабнинг таълим устахонасида **ўқувчилар слесарлик, шоферлик, тракторчилик, киномеханик касбларини ўрганмоқдалар.** Мактабни оталикка олган Ленин номли колхоз правлениеси 38 хонали бино қуриб бераётир.

З. НУРМАТОВ.

⊙ Зомин районидаги 5-пахтачилик совхозига биринчи совет космонавти Ю. А. Гагарин номи берилди.

Б. МУҲАММАДИЕВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИ

„ХЛОПКОВОДСТВО“

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг органи — «Хлопководство» журналининг 5-сони босмадан чиқди. Журнал Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг корреспондент-аъзоси С. Н. Риковнинг «Ўзбекистонда пахтачилик бўйича илмий-текшириш ишларининг якунлари ва истиқболлари» деган мақоласи билан бошланади. Мақолада тупроқни ишлашнинг янги системасига, шунингдек чигит экишнинг янги усулига кенг ўрин берилган.

«Агротехника, селекция ва уруғчилик» бўлимида босилган Ф. Ф. Измайловнинг «Ғўза тупларининг қалинлиги ва ҳосилдорлик» мақоласига редакция изоҳида мақола авторининг тавсиялари пахта ҳосилдорлигини оширишда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Шу бўлимда пахтачиликда гербицидни қўлланиш, ғўза тупининг структураси ва ҳосилдорликка оид материаллар, шунингдек Ф. Бобоев ва М. Багиров ўртоқларнинг «Ғўзанинг вильт касллига чидамлилигида ошловчи моддаларнинг роли» сарлавҳали мақоласи берилган.

«Пахтачиликни механизациялаш», «Суғориш ва мелиорация» бўлимларида ҳам қизиқарли материаллар босилган. «Бисга ёзадилар» рубрикаси остида Фарғона областидаги Охунбобоев номли совхоз агрокимё лабораториясининг мудири А. Г. Шалимовнинг лаборатория ишлари якунлари тўғрисидаги, Д. В. Харьковнинг пахтачиликда калийни қўлланиш ҳақидаги хабарлари босилган. Журналнинг бу сони С. Д. Родичев ва Р. Ф. Малевскаянинг «БАР нинг Миср пахтачилик районлари бўйлаб» мақоласи билан тугалланади.

ИДОРАДАН—ДАЛАГА

ЧИМБОЙ, (ЎзТАГ мухбири П. Шумилин). Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти участкаларининг бирида ишлаётган бригадада бугун ҳамма хурсанд:

— Зарухон, чигит экишни муваффақиятли тамомлагани билан табриклаймиз. Баракалла!

Зарухон Ўразимбетова — ёш пахтакор. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми давом этаётган кунларда у звенога бошчилик қилиш иштагини билдирди.

— Нега бундай қиляпсан, ишинг ҳам, маошинг ҳам тузуккина-ку, — дейишди баъзи бир «вазмин» кишилар. Идорада ўтираверсанг-чи, далада нима қиласан.

Лекин Зарухон ўз аҳдига содиқ қолди. У, 25 гектар майдонда биринчи бўлиб аниқ квадратлар жойлаштирди. У бу майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибди.

Чимбой, Тўрткўл, Амударё ва бошқа районларнинг комсомолларидан уч юздан кўпроқ киши турли муассасалардан қишлоқ хўжалик ишларига ўтди. Уларнинг ҳаммаси меҳнатда юксак интизомли бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Далада иш қизғин. Ғўза парвариши авжида. Ҳар бир туп ғўза ипга тизилган маржондек ўз ўрнида. Яшил квадратлар даланинг чиройини очмоқда. Бугун Чинобод районидаги «Ленинград» колхозининг 1020 гектарли яхлит пахта майдонларида қизғин кураш кетяпти. Азамат пахтакорлар жонажон партиямизнинг XXII съезди шарафига гектаридан 45 центнердан пахта топширамиз деб астойдил курашмоқдалар. СУРАТДА: колхоз раиси Абдусамат ҚЎЛДОШЕВ билан юқори ҳосилли бригада бошлиғи Анвар ВОҲИДОВ культивация қилинаётган участкани кўздан кечирмоқдалар.

С. Безносов фотоси.

ИШЧИЛАР КОЛХОЗЧИЛАРГА

УРГАНЧ. (ЎзТАГ). Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналарининг ёш ишчилари бир неча йиллардан буён Хоразм областининг ёш пахтакорлари билан маҳкам алоқа боғлаб келмоқдалар.

Тошкент шаҳар саноатининг вакиллари область колхозларида бўлишди. Улар тежалган материаллардан бўш вақтларида ясалган турли асбоб-ускуналарни механизаторларга совға қилиб олиб келдилар. Ишчилар Урганчдаги саноат корхоналарининг комсомоллари билан ҳам учрашдилар. Яқинда Хоразмнинг ёш механизаторлари республика пойтахтига келади.

ЕР ЮЗИДА БАХТ, ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК КУЙЧИСИ

Большой театрда Рабиндранат Тагорга бағишланган кеча

МОСКВА, 8 май. (ТАСС). Совет Иттифоқи халқлари Рабиндранат Тагор туғилган куннинг 100 йиллигини кенг суратда нишонламоқдалар. Бугун ССР Иттифоқи Большой театрида Ҳиндистоннинг буюк фарзанди, ажойиб ёзувчи ҳамда жамоат арбобига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Тантанали мажлисни юбилейни ўтказиш юзасидан тузилган совет комитетининг раиси Н. С. Тихонов очди.

Рабиндранат Тагорнинг номи совет кишиларига айниқса яқин ва азиздир. У, мамлакатимизнинг улкан ва чин дўсти эди. Ҳиндистон ва Совет халқлари ўртасидаги традицион дўстлик тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан бири Тагорнинг номи билан боғлангандир. Тантанали мажлисда Жаҳон адабиёти институтининг директори И. И. Анисимов, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. А. Губер, профессор Ф. Н. Петров, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамиятлари союзи президиуми раисининг ўринбосари Т. М. Зуева ва бошқа кишилар нутқ сўзладилар.

Элчихона ходими С. Р. Т. Тхан Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон бетоблиги туфайли кечада қатнаша олмаслигини ва ўз нутқини юборганлигини айтади. Сўнгра К. П. Ш. Меноннинг нутқи ўқиб берилади.

Ҳиндистон Тагорнинг 100 йиллигини нишонламоқда

ДЕҲЛИ, 8 май. ТАСС мухбири **В. Матяш** хабар беради:

Бугун Ҳиндистон халқлари Рабиндранат Тагор туғилган куннинг юз йиллигини тантанали нишонламоқда. 8 май куни Ҳиндистонда иш бўлмайдиган кун деб эълон қилинди.

Эрталаб Ҳиндистон парламентининг марказий залида вице-президент С. Радхакришнан раислигида Ҳиндистоннинг улуғ фарзанди хотирасига бағишлаб парламентнинг тантанали мажлиси бўлди.

Тагорнинг юз йиллик юбилейи муносабати билан Деҳлида Миллий санъат академияси — Рабиндра Бхаванинг янги биноларини очиш маросими бўлди. Маросимда Ҳиндистон президенти Ражендра Прасад нутқ сўзлади.

Ёзувчининг юртида, Ғарбий Бенгалияда катта тантаналар ўтказилмоқда.

Тантаналарда қатнашиш учун бош министр Ж. Неру Бенгалияга келди. У Калькуттада қуриладиган Тагор университети пойдеворига биринчи гишт қўяди ва миллий театр қурилиши бошланишига бағишланган маросимни очиб беради.

Ҳиндистон матбуоти Рабиндранат Тагорнинг юз йиллик юбилейи СССРда қандай байрам қилинишини кенг ёритмоқда. Газеталар ёзувчининг хотирасига бағишланиб, Москва Кремль театрида бўлиб ўтган тантанали мажлис ҳақида хабар бердилар. Матбуот Р. Тагорнинг асарлари Совет Иттифоқида бутун халққа манзур бўлганлигини ҳамда Совет мамлакатидаги кўп халқларнинг тилларида жуда кўп нусхада нашр этилганлигини таъкидлайдилар. Тапириб берди.

СОВЕТ ҲУКУМАТИ ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИ ВИКСНИНГ ТОПШИРИЛИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Австралия ҳукуматига нота

Совет ҳукумати 27 апрель нотасида Австралияда яшириниб юрган ҳарбий жиноятчи Виксниг топширилишини талаб қилади. СССР Ташқи ишлар министрлигининг 24 февраль нотасида бу масала илгари сурилган эди. Нотада иккинчи жаҳон уруши йилларида ана шу нацистнинг Эстония ССР территориясида қилган ёвузликларини фош этадиган ва рад қилиб бўлмайдиган фактлар келтирилган эди. Австралиянинг Москвадаги элчихонаси 15 мартдаги жавоб нотасида Австралия ҳукумати Виксни совет маъмурлари қўлига топширишдан бош тортганлигини СССР Ташқи ишлар министрлигига хабар қилди. Австралия ҳукумати жиноятчиларни ушлаб бериш тўғрисида Австралия билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳеч қандай битим тузилмаганлигини, совет нотасида ҳарбий жиноятчиларни ушлаб бериш ва жазолаш тўғрисида эслатиб ўтилган халқаро битимларни нацист Виксга нисбатан гўё қўлланиш мумкин эмаслиги Виксни ушлаб беришдан бош тортиш учун баҳона қилиб келтирилади.

Совет ҳукумати, деб таъкидланади янги нотада, иккинчи жаҳон уруши вақтида Эстония ССР территориясида мингларча бегуноҳ совет гражданларини ўлдиришда айбдор бўлган ҳарбий жиноятчи Виксни ушлаб бериш масаласида Австралия ҳукуматининг тутган позициясидан ажабланганлигини изҳор қилмай қололмайди. Нотада таъкидлаб ўтиладики, халқаро актлар амалга оширилиши лозим бўлган ҳарбий жиноятчиларнинг ҳаммаси, ҳарбий жиноятчилар қаерда жиноят қилган бўлсалар, суд қилиш ва жазолаш учун ўша жойга юборилиши керак. Шунга биноан, Австралия ҳукуматининг юқорида келтириб ўтилган баҳоналари тамомила пучдир.

Совет ҳукумати Австралия ҳукуматининг ҳарбий жиноятчи Виксни совет маъмурлари қўлига топширишдан бош тортаётганлигини ва уни Австралияда яшириб келаётганлигини Австралия ҳукуматининг ўз зиммасига олган тегишли халқаро мажбуриятларни бузишидан бошқа бир нарса эмас, деб ҳисоблайди.

Булар «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг альпинистларидир. Бу ёш довюраклар Чимён тоғларининг Гаткел чўққисига кўтарилдилар.

В. Кириянцкий фотоси.

ТАЛЬ—БОТВИННИК РЕВАНШ МАТЧИ

МОСКВА, 8 май. (ТАСС). Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун реванш матчининг йигирманчи партияси Михаил Талнинг қўли баланд бўлгани ҳолда 42-юришда кечиктирилди.

Эртага партия СССР Марказий шахмат клубида давом эттирилади.

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНИ КИМ БЎЛАДИ?

Округ офицерлар уйида бошланган Ўзбекистон шахмат чемпионатининг уч тури бўлиб ўтди. Биринчи турда Тошкент области вакиллари—мастерликка кандидат Надеждин билан Ибодуллаев учрашуви Надеждиннинг ғалабаси билан якунланди. Мастерликка кандидатлар — Бирбрагер (Тошкент) билан Назаров (Андижон) учрашуви узоқ вақтгача баравар аҳволда давом этди, натижа дуранг бўлиши кутиларди. Бироқ Назаров ўйиннинг охирларида хатога йўл қўйди ва мағлубиятга учради.

Навбатдаги иккинчи турда спорт мастери, республика чемпиони Грушевскийга қарши қора доналар билан ўйнаган Назаров дебютда уйинни бараварлаштирди, лекин биринчи турдагидек ноаниқликка йўл қўйиб, бу сафар ҳам ютқазди. Мастерликка кандидат Горев (Тошкент) билан В. Ким учрашуви дуранг бўлди. 6 партия кечиктирилди.

М. МУҲИДДИНОВ.
СССР спорт мастери.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

БЕРЛИН УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 16 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА

БЕРЛИН, 8 май. (ТАСС). Бугун кечқурун Берлиндаги «Фридрихштадт-паласт» деган катта залда Германия Демократик Республикасининг пойтахти меҳнаткашларидан уч мингдан кўпроқ киши тўпланди. Бу ерда немис халқи фашизмдан озод қилинганлигининг 16 йиллигига ва Германия-Совет дўстлиги ҳафталиги очилишига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Залда ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат қаҳрамонлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари ўтиришибдилар. Залда ҳозир бўлганлар орасида дўстлик ҳафтасида иштирок этиш учун келган академик Н. В. Цицин бошчилигидаги совет делегацияси ҳам бор эди.

Мажлисни демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг раиси профессор Э. Корренс очади. Германия-Совет дўстлиги жамиятининг раиси Георг Хандкега доклад учун сўз берилади. Қаҳрамон Совет Армиясининг фашист ваҳшийлиги устидан қозонган жаҳоншумул тарихий ғалабаси, деди докладчи. Европа халқларига озодлик келтирди ва немис халқига янги ҳаёт йўлини очиб берди. Нотиқ Совет Армияси солдатларига ва совет мамлакати халқларига табрик ҳамда чуқур миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қилади. Совет Армияси ва совет халқи ўз Коммунистик партияси раҳбарлигида гитлерчиларга қарши коалиция курашининг асосий оғирлигини ўз зиммаларига олиб, гитлерчилар фашизми устидан ғалаба қозонишда ҳал қилувчи роль ўйнадилар.

Г. Хандке айтдики, Германия-Совет дўстлиги Германия Демократик Республикасида қўлга киритилган катта сиёсий, иқтисодий ва социал муваффақиятларнинг ҳаммасининг негизидир.

Докладчи ўз нутқини тобора мустаҳкамланиб бораётган бузилмас Германия-Совет дўстлиги шарафига, бутун дунёда тинчлик иши шарафига табрик сўзлари айтиш билан тамомлади.

Сўнгра академик Н. В. Цицин нутқ сўзлади. У, совет жамоатчилиги номидан республика меҳнаткашларини фашизмдан озод қилинган кун ва ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ҳафталиги муносабати билан табриклади.

Мажлисдан кейин «Лезгинка» номли совет рақс ансамблининг байрам концерти бўлди. Концерт ғўр муваффакият билан ўтди.

Кураш давом этмоқда

РЕЙКЬЯВИК, 8 май. (ТАСС). Исландия пойтахтининг марказида мамлакатнинг Америка қўшинлари томонидан 10 йилдан бери оккупация қилиниб келаётганига қарши норозилик юзасидан ўтказилган Кефлавик юриши қатнашчиларининг 1 минг кишилик митинги бўлди. Оккупацияга қарши чиқувчилар кеча Кефлавик ҳарбий базасидан Рейкьявикка қадар 50 километр йўл босиб ўтдилар.

Митингда сўзга чиққан жамоат ва сиёсий арбоблар — турли сиёсий партияларнинг намояндалари Исландия территориясида чет эл қўшинларининг турганлиги натижасида мамлакат учун гоят катта хавф туғилганлигини ва бу қўшинларни дарҳол олиб чиқиб кетиш зарурлигини таъкидладилар.

ФРАНЦУЗ АРТИЛЛЕРИЯСИ МАРОКАШ ТЕРРИТОРИЯСИНИ ЎҚҚА ТУТДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). 6 ва 7 майда француз артиллерияси Марокашнинг аҳоли яшайдиган Бу Бекир пунктини ўққа тутди. Бу Бекир Ужда шаҳридан 35 километр жанубда жойлашган кичик районининг марказидир, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Работдан Марокаш радиосининг хабарига асосланиб.

Хабарда ўққа тутиш натижасида Бу Бекирда қурбонлар борлиги айтилади.

РУМИНИЯ ИШЧИ ПАРТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

БУХАРЕСТДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

БУХАРЕСТ, 8 май. (ТАСС). Бугун бу ерда Руминия Халқ Республикасининг Сарой залида Руминия Коммунистик партиясининг (ҳозир Руминия Ишчи партияси) 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Бу ерда Буюк Миллат мажлисининг депутатлари, кекса коммунист-подполшчиклар, халқ ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш қатнашчилари, пойтахт саноат корхоналарининг илғорлари, фан ва маданият арбоблари тўпланди-лар. Ҳозир бўлганлар орасида Бухарестдаги бир қанча дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, румин ва чет эл журналистлари бор эди.

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Георге Георгиу-Деж, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси И. Г. Маурэр ва партия ҳамда ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзолари президиум столи ёнида пайдо бўлганларида йиғилиш қатнашчилари уларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Тантанали йиғилишни Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари, Н. Чаушеску очди. Георге Георгиу-Деж Руминия Ишчи партиясининг 40 йиллиги тўғрисида доклад қилди. Докладчи партиянинг вужудга келиши, ўсиши ва халқ бахт-саодати учун курашни тўғрисида батафсил тапириб берди.

Пировардида докладчи бундай деди: Биз шонли йиллик кунида Ленин яратган партияга, Совет Иттифоқининг шонли Коммунистик партиясига, социалистик мамлакатларнинг қардош партияларига, барча мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партияларига қизғин жанговар салом йўллаймиз. Биз бутун дунё меҳнаткашларига ўзимизнинг интернационал саломимизни йўллаймиз, уларнинг тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун кураши билан бирдам эканлигимизни билдирамиз.

Биз партиямизнинг бешинчи ўйиллигига қадам қўяр эканмиз, мамлакатимизда социалистик қурилиши туғаллашдан иборат улуғвор мақсадлар билан руҳланганмиз. Бизнинг меҳнаткаш халқимиз партиянинг муваффақиятли раҳбарлигида жонажон мамлакатимизда коммунизмнинг тўла ғалабасига эришади.

НАТО кенгашининг сессияси

ОСЛО, 8 май. (ТАСС). Бугун Норвегия стортинги (парламенти)нинг мажлислар залида НАТО кенгашининг сессияси очилди. Бу сессияда ана шу агрессив блокда қатнашувчи мамлакатларнинг ташқи ишлар министрлари, шунингдек экспертлар қатнашмоқдалар.

Норвегия ташқи ишлар министри Х. Ланге сессияни очиб, НАТО ҳарбий блокини «тинчликни сақлаш» омили, деб мақтади. Х. Ланге НАТОнинг куч-қудратини оширишга чақирди.

НАТОнинг бош секретари Стиккер биринчи очиқ мажлисда узун нутқ сўзлади. У, ғарб халқларини «совет хавфи»дан ҳимоя қилишда Шимолий Атлантик блокининг роли тўғрисида гапсотди. Стиккернинг айтишича, ана шу хавф эндиликда «бутун дунёни ўз ичига олиш» билангина қолмай, балки космик фазо районларига ҳам тарқала бошлаган. Бу хавф, деди нотиқ, ҳарбий хавфгина бўлиб қолмай, балки сиёсий, иқтисодий, илмий, психологик ва пропаганда руҳидаги хавф ҳамдир. Стиккер ана шундай «кўп томонли хавф» рўй берган бир пайтда НАТОда қатнашувчи мамлакатлар «бирдамлик»ни ва «ўз ташкилотининг куч-қудрати»ни сақлаб қолишлари керак, деди.

КУЗАТИШ ВА КОНТРОЛЬ БУЙИЧА ХАЛҚАРО КОМИССИЯ ЛАОСГА КЕЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 8 май. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Лаосдан хабар беришича, кузатиш ва контроль бўйича халқаро комиссия аъзоларининг биринчи группаси бугун ўша ерга етиб борган.

Лаосда кузатиш ва контроль бўйича халқаро комиссиянинг раиси Самарендранат Сен аэродромда бундай деди:

«Халқаро комиссия Лаосда тегишли томонлар билан алоқа ўрнатиши гоят истайди. Шу мақсадда комиссия бир группани Вьентьянга, иккинчи группани эса Сиенг — Куангга юборади. Комиссия томонлар улар билан тўла ҳамкорлик қилишда ва комиссиянинг яқин вақт ичидаги вазифаси бемалол ва қониқарли бажарилади, деб ишонади».

АҚШда табиий офат

НЬЮ-ЙОРК. 8 май. (ТАСС). Америка Қўшма Штатларининг ўрта ғарб районларида қаттиқ шамол эсиб, сел ва сув тошқинлари рўй берди.

Арканзас штатининг ғарби-шимолий қисмида жойлашган ва унча катта бўлмаган Гаррисон шаҳри айниқса жиддий зарар кўрди. Шаҳар ёнидаги ёнғир шаҳар орқали оқадиган кичик дарёни дарҳол кучли оқимга айлантирди. Гаррисоннинг кўчаларига ва марказий майдони сув остида қолди. Кўп уйлар вайрон бўлди. 6 киши ҳалок бўлди. Шаҳарда фавқулодда ҳолат жорий қилинди.

Қўшни Миссури ва Канзас штатларида 32 киши ярадор бўлди. Сув тошқини натижасида Канзас-Сити шаҳрида ўнлаб уйлар вайрон бўлди.

Америка телеграф агентликларининг хабар беришича, кечаги кунгача довул ва сув тошқинлари натижасида ўрта ғарб штатларида ҳалок бўлган кишиларнинг сони 29, ярадорлар сони 100 га яқин кишини ташкил этган. Минглаб киши бошпанасиз қолган.

Табиий офат натижасида етказилган зарар бир неча миллион доллар ҳисобланади.

Уч қитъадаги саккиз мамлакатдан келган меҳмонлар

Ўзбекистон меҳнаткашлари ВЦСПС нинг таклифига биноан Москвадаги Биринчи май тантаналарида иштирок этган чет эллик меҳмонларни самимий кутиб олмоқдалар.

Корея Халқ Демократик Республикаси, Ҳиндистон ва Бирма касаба союз арбоблари республикада уч кун меҳмон бўлиб турди. Улар ўзларининг Ўзбекистон ҳаёти билан танишув программасини тугаллаб, республика касаба союз активлари билан учрашдилар. Ўзбекистон касаба союзлари советининг раиси С. Н. Нуриддинов касаба союз органларининг структураси, уларнинг бюджети ҳақида, коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларининг мусобақалари ҳақида, меҳнаткашларнинг дам олишларини ташкил қилиш ҳақида меҳмонларга сўзлаб берди, саволларга жавоб қайтарди.

Ҳиндистон касаба союзлари бирлашган конгресси Марказий комитетининг аъзоси Кумар Чаудхури учрашув вақтида сўзга чиқиб, шуни таъкидлаб ўтдики, миллий экономика ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришган Ўзбекистон мисолида социализм халқларга нималар бахш этаётганлиги яққол кўриниб турибди.

Ўтган якшанба куни корейс, қийд меҳмонлари ва бирмалик меҳмонлар Москвага жўнаб кетдилар.

Шу куни Тошкент аэродромида Тошкент касаба союз жамоатчилигининг намояндалари Москвадан келган Венгрия Халқ Республикаси, Жазоир, Марокаш ва Финляндия касаба союз арбобларини кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 МАЙДА

19.00 — Н Погодин асари асосида **Ҳаёт гуллари** спектакли (М. Горький номли рус драма театридан), танаффус вақтларида — **Телевизион янгиликлар**, спектаклдан сўнг — **Рационализаторлик таклифи** (илмий-оммабоп фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/V да **Марварид қидирувчилар**, 11/V да **Кармен**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/V да **Тоға-жиянлар**, 11/V да **Алишер Навоий**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Сўнгги залплар — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Музика командаси йигитлари — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Номсиз орол — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ДРУЖБА» (2-зала), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Евдокия — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Аср тенгдоши — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Саккизинчи эшин — «ДРУЖБА» (1-зала кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Ажралиш ҳақидаги иш — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Қизил снёх — «ВАТАН», «ШУҲРАТ» (кеч соат 8 ярим ва 10 да). КАФАНОВ номли (кеч 8-45 ва 10-20 минутда).

Номсиз орол — НАВОИЙ номли (кеч соат 9 ва 10 яримда).

Волга-Волга (кеч соат 8-45 минутда), **Яна тонг отди** (кеч 10-20 минутда). «ФЕСТИВАЛЬ».

Музика командаси йигитлари — «ХИВА» (кеч соат 8-45 минут ва 11 да).

Келгуси баҳоргача — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда). «ПОБЕДА» (кеч 9 ва 11 да).

Хайр каптарлар — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда).

Аср тенгдоши — ПУШКИН номли (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда).

Евдокия — «УДАРНИК» (кеч соат 8-45 минут ва 11 да), «РАКЕТА» (кеч 9 ва 11 да).

Тошкент шаҳар маориф бўлими бидиравнни ҚУЙИДАГИ МАКТАБЛАРДА VII ва X синфлар ҳажмида

ЭКСТЕРНАТ ТАРТИБИДА ИМТИҲОН ОЛИНАДИ

9-ўзбек мактаби — Носиров кўчаси, 56-уйда.

45-ўзбек мактаби — Ўзгариш кўчаси, 56-уйда.

91-рус мактаби — Педагогик кўча 32-уйда.

94-рус мактаби — Т. Шевченко кўчаси, 25-уйда.

Имтиҳон топшириши ҳоҳлаган кишилар тегишли мактаб директорига 15 майгача ариза тақдим қиладилар ва имтиҳонга тайёрланиш масаласида ўша ердан консультация оладилар.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ СИРТҚИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАРИГА

СТУДЕНТЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сиртқи бўлимда: математика, география, геология, ҳуқуқшунослик, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, журналистика, тарих.

Кечки бўлимда: математика, механика, физика, биология, фойдали казилмалари бўлган конларни қидириш ва геологик съёмка, ҳуқуқшунослик, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, журналистика, тарих, тарих-архившунослик, шарқ тиллари.

Аризалар қабул қилинмоқда. Аризага қуйидаги ҳужжатлар кўшиб берилади: таржимаи ҳол, характеристика, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, соғлиги ҳақида справка, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х4 сантиметр катталигида 4 та фотокарточка.

Адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 32-уй, қабул комиссияси.

ТОШКЕНТ КОНСЕРВА ЗАВОДИ

савдо ташкилотлари, корхона ва муассасалардан дам олиш кунларидан бошқа ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч 5 гача

200, 350, 500 1000 граммли

КОНСЕРВА ШИША БАНКАЛАРИ

ВА 3 ЛИТРЛИ БАЛЛОНЛАР

қабул қилади

Адрес: Тошкент шаҳар, Лунячарский шоссе, 101-уй.

Ўзбекистон ССР Совнархозига қарашли «Ўзбекорганерго»нинг ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА токарлар, механик-йигув ишларининг 5. 6-разрядли слесарлари, электросварначилар, 4. 5-разрядли рандаловчилар, металларни қиздирмасдан ишлашга доир инженерлар ва техниклар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Комсомол кўчаси, Шимолий проезд, 22-уй (1, 4, 7, 8, 11-трамвайнинг «Чорсув» остановкаси).

Қурилиш материаллари саноатининг

Тошкент ремонт-механика заводи

йирик габаритли деталлар учун ТИШ КЕСИШ, РАНДАЛАШ ВА ТОКАРЛИК ИШЛАРИГА

заказ қабул қилади

Мурожаат учун адрес: Малобешагачская кўчаси, 01-уй, Телефон — 51-923, 51-442.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИГА ревизор-бухгалтерлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Л. Толстой кўчаси, 12-уйда бош бухгалтерияга келиб учрашилсин. Телефон — 32-746.

ХАЛҚ ДРУЖИНАСИНИНГ КОМАНДИРИ

Майин шабада эсиб турган кечки жимжитликни бир неча маст кишининг шовқин-сурони бузди. Улардан кимдир шалоқ сўкинарди, кимдир: ҳали мени-я? деб бутун кўчани бошига кўтарарди.

Борис дераза дарчасини бекитди. Гугурт чақди. Папирос тутатди. Унинг қисиқ, қора кўзларида безовталик ва ғайрат-шижоат учқунланарди... Борисни кундуз куни заводда Фельченконинг ҳузурига чақирдилар.

— Дружинамизнинг иши бўшашиб кетди, — деб сўз бошлади партком секретари, — дружиначиларга раҳбарлик қилишни сенга топширсак, нима дейсан. Борис аввалига кўнмади. Кейин секретарнинг сўзини қайтаришга журъат эта олмади.

Фельченконинг «Сен коммунистсан ва бизнинг сенга бўлган ишончимиз катта эканлигини эсингдан чиқарма. Завод халқ дружинаси яхши ишлаши керак! Нималарни ишлашлаш кераклигини ўйлаб кўр...» деган сўзларини қайта эслади.

Эртаси кун эрталаб Борис механика йигув цехига томон бурилди, таниш йигитларни бирин-кетин чақирди. Иш коржомалари дуд ва металл чангидан доғ бўлиб кетган бу азаматлар бир зумда тўпланишди.

— Клубимизнинг саҳнасида ичишиб, безорилик қилиб юрадиган такасалтанглар кўп, — деди Борис, — шуларни тартибга чақиришимиз керак.

— Булар бизнинг кишиларимиз эмас, — деб гапга қўшилди кимдир дружиначилардан.

— Клуб ўзимизники! Завод ўзимизники. уларнинг хўжайинлари ҳам биз бўлишимиз керак, деди қатъият билан Борис. Бугун фурсатни ўтказмай сменадан кейин иш бошлаймиз.

Борис йигитларнинг ҳар қайсисига номини атаб мурожаат қилди ва шу куни кечқурун кимнинг қаерда навбатчилик қилиши кераклиги ҳақида фармойиш берди.

Тошкент экскаватор заводи дружиначиларининг иши шу билан бошланиб кетди. Улар биринчи марта беш кишини тутишди. Улардан икки киши кино сеанси вақтида муштлашган. учинчиси бир аёлни ҳакорат қилган, қолган икки кишини эса кўчадан хушёрхонага олиб бориб топширишга тўғри келди.

Муштлашганлар завод ишчилари Б. Лавров ва Ю. Десятников эди. Уларнинг иши ўртоқлик судида кўрилди. Б. Лавров ва Ю. Десятников ўз айбларига иқрор бўлишди. Бундан кейин бунақа ножўя иш қилмасликка қатъий сўз беришди.

Шу воқеадан кейин дружиначларга ҳурмат билан муомала қиладиган бўлиб қолишди.

Бугун қаерга борамиз, нима иш қиламиз деб бир оғиздан сўрашар эди дружиначилар Борисдан. Борис эса 7 кишидан иборат штаб тузиб, Фельченконинг ёрдами билан алоҳида хона олди. Юз берган воқеалар, борилмоқчи бўлган жойлар қайд қилинадиган журналда дастлабки ёзувлар пайдо бўлди. Дружиначилар муайян соатларда, графикка қараб постга келишади.

Орадан ҳафта ва ойлар ўтди.

Бир куни кечқурун Борис штабда журнални варақлаб ўтирарди. Унда ёзувлар кўп ва уларнинг ҳар қайсиси ҳам қаяжонли, ҳам хавфли ёки кулгили воқеалардир. «Бўёқ билан қўлга туширдик» деган ёзувни олинг, Борис йигитларни пистирмага қандай юборганлигини эслади.

Тун кечга оғиб, қоронғи тушиб қолган эди. «Кўринармикин ёки кўринмасмикин?» деб пичирлашарди, — қўшни деворга кўз тикишиб дружиначилар. Номаълум киши пайдо бўлабермади. Бирдан кўкат устига нимадир тиқ этиб тушди. Тўсиқ орқасидан кимнингдир боши кўринди ва сўнгра. эркак киймида бир кичи ўзини деворда ташлади. Кўкат орасига тушган бир нарсани олиб, ён-теваракка қараб жўнаётганда. «Тўхта!» деган овоз эшитилди. У дружиначиларнинг кутилмаганда ҳозир бўлишини ўйламаган эди. Қўлга тушган кишидан 6 банка бўёқни тортиб олдилар.

— «Ҳазил қилма и г л а р йигитлар, — деди у сурбетларча иржайиб. — олти банка бўёқ завод учун ҳеч нарса эмас. Шарманда қилишга арзимайди. Елгиз мен олаётганим йўқ. Мен ҳам ишчиларданман. биласизку, ахир? Бир-иккита банкани бериб кетақолай, бирортанглиги полингизни бўямоқчидирсиз...».

Дружиначилар акт тузишди ва бўёқни лак-бўёқ заводига топширишди. Бўёқ ўғрисига ўртоқлик суди чора кўрди.

... Штабнинг эшиги очилиб, бир йигит кириб келди ва саломлашди:

— Сизга мурожаат қилсам мумкинми?

— Нима гап? Эшитамиз, — деди пинагини бузмай Борис.

Келган йигит унга танишдек туюлди.

— Мен сизга миннатдорчилигимни билдириш учун келдим.

Мен бир ишчининг бошига бир парча темир билан урганлигим эсингизда бўлса керак?

— Нима? Ҳа, ҳа... Эсимга тушди, токарь бўлиб ишлайсиз-а? Аҳволингиз қалай?

— Бутунлай бошқа одам бўлиб қолдим. ичкиликни ташладим. муштлашишни йиғиштирдим. Олдингизга келдим... Офарин, Сизга! Мени тўғри йўлга солиб юбордингиз.

Борис унга дўстона термилиб, воқеани эслади. Слесарь Назар Тўраев ўша куни постда турган эди. Маст бир йигит пайдо бўлиб, жанжал кўтарди. «Э, дўстим, бизнинг хонамизда сўкишиш мумкин эмас!» деб хитоб қилди Назар. Ҳалиги йигит эса, ўйламай-нетмай унинг бошига нима биландир урди. Безорини ушлаб, унинг қаерда ишлашини билишди. Эртаси кун Борис «Ўзбекхлопкомаш» заводи партия ташкилотининг секретари ҳузурига кириб, бўлган воқеани сўзлаб берди. Ўртоқлик суди бўлди. судга дружиначиларни таклиф қилишди. Ишчилар безорини заводдан ҳайдаш керак деб қ и ч к и р ишди. «Ичгани-ичган, безорилик қилгани-қилган, ҳаммамизга иснод келтирянти!» дейишди улар. Аммо судланувчининг илтимосини эшитиб, улар шаштларидан тушдилар.

Мана бугун ўша йигит шу ерда табассум қилиб ўтирибди...

Халқ дружинаси командири Борис Тен узоқ вақт слесарь бўлиб ишлади. ҳозир эса заводнинг спорт ишларига раҳбарлик қилади. Уни дружиначилар яхши кўриб қолишган. Унинг раҳбарлигида завод территориясида намунали тартиб ўрнатилди.

Ф. ИЗМАИЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469, Пропаганда — 33469 Саноат ва транспорт — 27604 Совет қурилиши — 34780, Қишлоқ хўжалиги — 27604 Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524 Маҳаллий ахборот — 32347, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005 Секретариат — 31226, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 01582 Нашр. Б. 107